

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМЛИ  
БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУДУДИДА ЭКИШ УЧУН ТАВСИЯ  
ЭТИЛГАН МЕВА-УЗУМ НАВЛАРНИНГ  
КАТАЛОГИ**

**ТОШКЕНТ-2016**

Мева-узум навларининг Каталогида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган ва районлаштирилган, четдан келтирилган уруғли, данакли, резавор, ёнғоқсимон, субтропик, цитрус ҳамда узум навларининг қисқача тавсифи келтирилган. Аксарият навларнинг тасвири мавжуд ҳамда районлаштирилган ҳудудлари берилган.

Ушбу Каталогдан илмий-тадқиқот институтлари олим ва мутахассислари, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбар ва ходимлари, агрономлар, бригадирлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, шунингдек, боғдорчилик ва узумчиликка қизиққанлар фойдаланиши мумкин.

Каталогда 7 турдаги мева-резавор ва узумнинг жами 212 нави тавсифи келтирилган.

Каталог билан боғлиқ барча савол, талаб, таклиф ва тавсиялар *mevaiti@qsxv.uz* электрон почтасига йўллансин.

#### **Тузувчилар:**

Сулаймонов Б.А., Саимназаров Ю.Б., Акрамов У.И., Файзиев Ж.Н, Абдуллаев Р.М., Набиев Ў.Я., Дорохова Е.А., Ахмедов Ш.М., Афзамходжаев Ж., Абдуллаева Х.М., Исроилов М.

#### **Такризчилар:**

**Байметов К.И.**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Мева-резавор экинлари бўлими мудири, қ.х.ф.д., профессор

**Фахуритдинов Н.З.**

Тошкент давлат аграр университети Мевачилик, сабзаотчилик ва узумчилик кафедраси доценти, қ.х.ф.н.

“Info Capital Group” нашриёти, 2016.

© Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, 2016.

## КИРИШ

Ўзбекистон худудида қадимдан мева ва узум ўсимликлари маълум бўлиб, маҳаллий аҳоли уларни етиштириб, истеъмол қилиб келган. Дехқончиликнинг дастлабки ўчоғи бўлмиш Марказий Осиё дунёга узум, анор, ўрик, олма экинларини бериб, уларнинг маданийлаштирилишида бош бўғин бўлган. Ҳозирги глобаллашув, ахборот асрида маданий ўсимликлар, хусусан, мевали ўсимликлар ҳақидаги маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш ҳамда ўқувчига етказиб бериш жадаллашган. Шу муносабат билан Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида районлаштирилган, Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олим ва мутахассислари томонидан яратилган ва узоқ йиллар давомидаги тадқиқотлар натижасида тўпланган ҳамда четдан келтирилган мева-узум нав ва дурагайлари тўғрисидаги Каталог тузиш долзарб масала ҳисобланиб келган.

Бу Каталогни тузишдан кўзланган асосий мақсад, илмий-тадқиқот институтлари олим ва мутахассислари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг раҳбар ва ходимларига ҳозирги кунда Республикамизда тарқалган мева-узум навлари ҳақида тушунча беришдан иборат. Ушбу навларнинг хўжалик-биологик хусусиятларини тушунарли тарзда баён этиш, мева навларининг тасвирини келтириш муаллифларнинг олдида қўйилган асосий масала бўлди.

Каталогга уруғли мевалардан олманинг 27 та, нокнинг 17 та ва беҳининг 8 та нави, данакли мевалардан ўрикнинг 15 та, шафтолининг 25 та, олхўрининг 8 та, йирик мевали тоғолчанинг 9 та, гилоснинг 8 та ва олчанинг 6 та нави, резавор мевалардан қулупнайнинг 11 та, олтинсимон қорағатнинг 7 та нави, субтропик мевалардан хурмонинг 4 та, анорнинг 4 та ва анжирнинг 5 та нави, ёнғоқ мевалилардан бодомнинг 6 та, ва чилон жийданинг 2 та ва фундукнинг 1 та нави, цитрус мевалардан лимоннинг 1 та, апельсиннинг 1 та ва мандариннинг 1 та нави ҳамда узумнинг 46 та нави ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Каталогдан илмий-тадқиқот институтлари олим ва мутахассислари, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбар ва ходимлари, агрономлар, бригадирлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, шунингдек, боғдорчилик ва узумчиликка қизиққанлар фойдаланишлари мумкин.

Барча талаб ва таклифлар муаллифлар томонидан қабул қилинади ва Каталогнинг келгуси нашрларида инобатга олинади.

# 1. УРУҒЛИ МЕВАЛАР

## 1.1. ОЛМА НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Malus domestica Borkh*)


### **АФРОСИАБИ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1982 йилдан Андижон, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: В.В. Кузнецов, А.А. Липлинская.*

Нав ёзда пишади. Меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Ҳосилдорлиги – 211,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги эса 382 ц/га ни ташкил этади.

Дарахтнинг бўйи ўртача 3,8 м, шох-шаббаси кенг пирамида шаклида. Ҳосилга тўртинчи йили киради. Меваси кесик конус шаклида, пушти чизиқлари бор, тилласимон сариқ, ўртача вазни 116 г, эти сарғиш, майин, хушбўй, меваси нордон ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,9 балл.



### **БОРОВИНКА ТАШКЕНТСКАЯ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган.

*Муаллифлар: Р.Р. Шредер, А.Р. Шредер, А.Г. Шредер.*

1969 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари, 1967 йилдан Жиззах ва Андижон вилоятлари, 1981 йилдан эса Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ёзда пишади, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтнинг бўйи ўртача 5,5 м. ва ундан каттароқ Ҳосилга бешинчи йили киради. Ҳосилдорлиги – 66,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги эса 152,9 ц/га ни ташкил этади.



Меваси юмалоқ, чиройли, тўқ пушти рангда, тарам-тарам товланиб туради, ўртача вазни – 149 г. Эти оқ-яшил, оч-сарик тусли, ўртача зичликда, сершира, жуда ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,0 балл.

### **ВАЙНСЕН нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари, 1974 йилдан Тошкент вилояти ва 1982 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кеч кузда пишади, меваси сентябрнинг учинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтнинг бўйи 5,8 м, думалоқ кенг шох-шаббалидир. Олтинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 181,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 68,3 ц/га ни ташкил этади.

Меваси кенг конус шакли, силлик хира оч қизил рангли, кенг чизиклар билан қопланган. Мевасининг ўртача вазни – 141 г.

Эти сариқ, серсувлиги ўртача, меваси нордон-ширин, жуда хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,2 балл.



### **ГОЛДЕН ГРАЙМЗ нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари, 1982 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кузги, меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача – 4,4 м, кенг шох-шаббали. Бешинчи йили йил оралаб ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 76,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 178,3 ц/га ни ташкил этади.

Меваси калта цилиндр шаклида бўлиб, сал тарам-тарам ранги тилла сариқ. Мевасининг ўртача вазни 115 г, эти оқ-сарғиш, сершира, жуда хушбўй, мевасининг мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.



### **ГОЛДЕН ДЕЛИШЕС нави**

АҚШда яратилган. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кеч кузда пишади, меваси сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахт бўйи ўртача 4,8 м, шох-шаббаси юмалоқ-тухумсимон. Кўчати экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 291,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 514 ц/га ни ташкил этади.



Меваси юмалоқ-конуссимон, кўриниши чиройли, сал тарам-тарам, мевасининг ўртача вазни – 169 г. Эти оч-сарик, жуда майин, мазаси нордон-ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,76 балл.

#### **РЕД ДЕЛИШЕС нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва 1967 йилдан Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кеч кузги, меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача – 4,6 м, шох-шаббаси кенг пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг саккизинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 177,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 252,6 ц/га ни ташкил этади.

Меваси кенг конуссимон, киррали, мевасининг ўртача вазни – 198 г. Эти майин, сершира, мазаси нордон-ширин, хушбўй асал ҳидли. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.



#### **ДЖОНАТАН нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари, 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кеч ёзда пишади, меваси августнинг учинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтнинг бўйи 5,3 м, шох-шаббаси тарқоқ, кўчати экилгандан сўнг ҳосилга бешинчи йилда киради. Меваси юмалоқ конуссимон, оч сарик, тўқ қизил ғубори бор. Мевасининг ўртача вазни – 113 г. Ҳосилдорлиги – 73,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 114,2 ц/га ни ташкил этади.


Эти сарғиш, кумоқ, сершира, хушбўй, виносимон-ширин, мазаси яхши. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.



#### **БОЛАЖОН (ДЕТСКОЕ) нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2005 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: А.Г. Шредер, Е.А. Шредер.*  
Кеч ёзда пишади. Меваси август ойида етилади. Дарахтнинг бўйи ўртача бўлиб, 3-



3,5 м, шох-шаббаси кенг пирамида шаклида. Ҳосилга бешинчи йилда киради. Ҳосилдорлиги – 245,1 ц/га ни ташкил этади.

Меваси юмалоқ – тухумсимон, ранги тилласимон сариқ, айрим жойлари қизил, ўртача вазни 170 г. Эти сарғиш, серсув, меваси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.

### **КАМОЛА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2015 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Е.А. Дорохова.*

Навнинг ўсув даври 220-250 кун, ҳосилдорлиги 170 ц/га, бир тупдаги ҳосил вазни 100-120 кг, бир дона мева вазни 260-290 г. Дарахти ўрта бўйли, кенг ёйилган ўрта зичликдаги шох-шаббага эга. Мевалари юмалоқ-ясси шаклда, яшилсимон-сариқ рангли, бироз пушти рангдаги холи бор. Ҳосилга 3-4 йили киради (ММ106



пайвандтагида). Меваларининг пишиш муддати – августнинг охири, сентябрь ойининг бошлари. Навнинг афзаллиги: мевасининг таъми ширин, хушбўй, мазали ва озгина нордон бўлиб, меваларининг транспортда ташувчанлиги яхши ҳамда сақланувчанлиги юқори (март ойигача сақланади). Ўрта ўсувчи (ММ106) ва паст ўсувчи (М9) пайвандтагларида яхши ўсиб ривожланади.

### **КОРЕИ нави**

Японияда яратилган. 1989 йилдан Тошкент ва Самарқанд вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кузги, меваси сентябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача 4,3 м, шох-шаббаси думалоқ шаклли, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 132 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 239,6 ц/га ни ташкил этади.



Меваси йирик, ранги чиройли, сариқ-ялтироқ. Мевасининг ўртача вазни – 153 г.

Мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.

### **КИД ОРАНЖ РЕД нави**

Нав Янги Зеландияда яратилган. 1996 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав июлнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд, бақувват, 5,0 м.

Меваси ширин, юқори ҳосилдор ва узок масофаларга ташиш учун ярқли. Мевасининг ўртача вазни – 86 г, таъм баҳоси “Ҳосилдор” навиға нисбатан – 0,8 балл юқори. Тўрт йиллик ўртача ҳосилдорлиги – 189,6 ц/га ни ташкил этади.



### **ҚИЗИЛ ТАРАМ ОЛМА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2006 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Е.А. Шредер.*

Жуда эртапишар. Меваси июнь ойида етилади. Дарахтнинг бўйи ўртача 4-5 бўлиб, шох-шаббаси кенг юмалоқ-овалсимон шаклда. Кўчати экилгандан сўнг бешинчи йилда ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 202 ц/га ни ташкил этади.

Меваси юмалоқ-тухумсимон, ранги оч сариқ, ўртача вазни – 90 г. Эти оқиш, серсув, меваси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.




### **ГЎЗАЛ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2006 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Е.А. Шредер*

Жуда эртапишар. Меваси июнь ойида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача 4-5 м бўлиб, шох-шаббаси кенг юмалоқ-овалсимон шаклда. Кўчати экилгандан сўнг бешинчи йилда ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 202 ц/га ни ташкил этади.

Меваси юмалоқ-тухумсимон, ранги оч сариқ, ўртача вазни – 90 г. Эти оқиш, серсув, меваси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.





### **МАНТЕТ нави**

Канада нави бўлиб, Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 2015 йилда киритилган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари худудларида экиш учун тавсия этилган.

Навнинг ўсув даври 220-250 кун, ўсимлик бўйи 3-4 м, ҳосилдорлиги 190 ц/га, бир тупдаги ҳосил вазни 80-90 кг, бир дона мева вазни 100-130 г. Дарахти ўрта бўйли, кенг ёйилган ўрта зичликдаги шох-шаббага эга. Мевалари юмалоқ-ясси шаклда, яшилсимон-сарик рангли, бироз пушти рангдаги холи бор. Ҳосилга 3-4 йили киради (ММ106 пайвандтагида). Меваларининг



пишиш муддати – август охири, сентябрь ойининг бошлари. Навнинг афзаллиги – интенсив боғлар учун мақбулликда.

Дарахти ўрта бўйли юмалоқ шох-шаббали. Ўрта ўсувчи ММ106 пайвандтагида 4-5 йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги ўртача 190 ц/га, энг юқориси 233 ц/га. Меваларининг пишиш муддати – июль ойининг ўртаси. Мевалари бир текис, юмалоқ-конуссимон, бироз қовурғали, силлик, тўқ-қизил ёйилган холи бор. Нордон-ширин таъмли бўлиб, мевалари яхши сақланувчан (30-40 кун давомида сақланади) ва транспортда ташишга чидамли. Интенсив боғлар учун жуда мақбул навдир.

### **ОЙДИН нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2007 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Е.А. Шредер.*

Жуда эртапишар. Меваси июнь ойида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача 4-5 м бўлиб, шох-шаббаси кенг юмалоқ-овалсимон шаклда. Кўчати экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги 180-190 ц/га ни ташкил этади.



Меваси юмалоқ-тухумсимон, ранги оч сарик, ўртача вазни – 130 г. Эти оқиш, серсув, меваси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.

### **ПАРМЕН ЗИМНИЙ ЗОЛОТОЙ нави**

Англияда яратилган. 1959 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эрта кузги, меваси августнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача, шох-шаббаси тескари пирамида. Тўртинчи йил ҳосилга киради. Меваси тўғри шарсимон ёки кенг конус шаклида, тилласимон тўқ сариқ, жигарранг нуқталари бор. Мевасининг ўртача вазни – 129 г. Ҳосилдорлиги – 244,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 375,2 ц/га ни ташкил этади. Эти оқ, салгина сарғиш, зич, сершира, мазаси виносимон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,0 балл.



### **ПЕРВЕНЕЦ САМАРҚАНДА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станцияси яратилган.

*Муаллифлар: В.В. Кузнецов, А.А. Липлинская.*

1959 йилдан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари, 1967 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.



Бу олма нави жуда эрта пишади, меваси июннинг учинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтнинг бўйи ўртача 5,9 м бўлиб, учинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 164,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 210,8 ц/га ни ташкил этади. Меваси ўртача катталиқда, ранги тилласимон сариқ, кесик думалоқ шаклда. Меванинг ўртача вазни 74 г. Эти сершира, оч сариқ, мазаси сал нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,2 балл.

### **РЕНЕТ СИМИРЕНКО нави**

Л.П. Симиренко номидаги Млиев боғдорчилик тажриба станциясида яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Л.П. Симиренко.*

Нав кечки, меваси сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача – 4,6 м, шох-шаббаси кенг бўлиб, шохлари эгилиб туради, тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 154,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 285 ц/га ни ташкил этади. Меваси думалоқ-конуссимон, яшил рангли, ўртача вазни – 140 г. Эти



кўкиш-сарик рангли, зич, сершира, етилганда кумок, сарғиш-пушти, виносимон ширин мазали бўлади.

### **РОЗМАРИН БЕЛЫЙ нави**

Италияда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кишки, меваси сентябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд – 8,2 м бўлиб, шох-шаббаси қалин, кенг пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг саккизинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 98,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 128,5 ц/га ни ташкил этди. Меваси тухумсимон-конуссимон бўлиб, мевасининг ўртача вазни – 95 г. Эти оқ, жуда ҳам майин, сершира, мазаси виносимон-ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.



### **РУБИНОВОЕ ДУКИ нави**

Украина суғориладиган мевачилик илмий-текшириш институтида яратилган. 1995 йилдан Бухоро вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахтнинг бўйи 4,6 м бўлиб, бешинчи йили ҳосилга киради. Меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Мевасининг шакли думалоқ, чиройли, юзаси яхши, ҳар йили ҳосил беради. Ҳосилдорлиги – 216 ц/га ни ташкил этади.

Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 1,8 балл. Олма қурти билан андоза навига нисбатан кам зарарланади.



### **САРАТОНИ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

*Муаллифлар: В.В. Кузнецов, А.А. Липлинская.*

1974 йилдан Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари, 1981 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ёзги, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Олманинг Саратони нави дарахти бўйи баланд – 5,6 м бўлиб,



бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 124,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 160,2 ц/га ни ташкил этади.

Меваси ясси думалоқ шаклда бўлиб, ранги оч яшил, оч қизил йўллари бор. Мевасининг ўртача вазни 164 г, эти оқ, майин, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.

### **СКАРЛЕТТ (СТЕЙМОРЕД) нави**

АҚШда яратилган. 1995 йилдан Бухоро вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Скарлетт (стейморед) дарахтининг бўйи ўртача, қурғоқчиликка ва қишки совуқларга чидамли, ҳар йили ҳосил беради, меваси август ойининг охири, сентябрь ойининг бошида пишади. Экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 201,3 ц/га ни ташкил этади.

Бу навнинг меваси йирик – 200 г, думалоқ-узунчоқ, эти кўкиш, бутун юзаси бўйича қизил ғубори ва пўсти остида қизил доғлари бор. Меваси сершира, мазаси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 5,0 балл. Меваси узоқ муддат сақланади. Олма қурти билан андоза навига нисбатан кам зарарланади.

### **СТАРКРИМСОН**

АҚШда яратилган. 1993 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича давлат реестрига киритилган.

Нав кеч кузда пишади, меваси сентябрь ойида узилади. Олма дарахтининг бўйи ўртача 4,7 м, шохлари сийрак. Ҳосилдорлиги – 77,3 ц/га дан юқори.


Меваси йирик – 161 г. Меваси узунчоқ-конуссимон шаклда, ранги жуда чиройли, тўқ қизил. Мевасининг ички қисми оч сариқ. Меваси ширали, мазаси ширин-нордон, ўзига хос ҳиди бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,9 балл.



### **ФАРАНГИЗ нави**

АҚШда яратилган. 1995 йилдан Бухоро вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Скарлетт (стейморед) дарахтининг бўйи ўртача, қурғоқчиликка ва қишки совуқларга чидамли, ҳар йили ҳосил беради, меваси август ойининг охири, сентябрь ойининг бошида пишади. Экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосилга киради. Бу навнинг меваси йирик – 200 г, думалоқ-узунчоқ, эти кўкиш, бутун юзаси бўйича қизил ғубори ва пўсти остида қизил доғлари бор.



Меваси сершира, мазаси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 5,0 балл. Меваси узоқ муддат сақланади. Олма курти билан андоза навига нисбатан кам зарарланади. Ҳосилдорлиги – 201,3 ц/га ни ташкил этади.

### **ФЕРУЗА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2014 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Е.А. Дорохова.*

Нав Румянка Алмаатинская билан Нафис навларини чатиштириш йўли орқали олинган. 4-5 йилдан бошлаб ҳосилга киради. Ҳар йили ҳосил беради. Ҳосилдорлиги 1 туп дарахтдан ўртача 40 кг. Меваси йирик – ўртача массаси 320 г, йирик меваси 500 г. Майда уруғли, сувли, нордон-ширин таъмга эга. Транспортда ташишга чидамли. Кимёвий таркиби: қанд моддаси 13,2%, кислота 0,35%, витамин С 3,9 мг%. Совуққа ва қурғоқчиликка чидамли.



### **ХОСЫЛДАР нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: А.Р. Шредер, А.Г. Шредер.*

Нав ёзда пишади, меваси июннинг учинчи ўн кунлигида пишади. Хосылдар навли олма дарахти бўйи 5,4 м бўлиб, шох-шаббаси тарқоқ шарсимон, экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 231,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 322,8 ц/га ни ташкил этади.



Меваси йирик, оч яшил, оч қизил йўллари бор, ўртача вазни 166 г. Эти сершира, зич, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл.

### **ЧОЛПАН нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2005 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: А.Г. Шредер, Е.А. Шредер.*

Кеч ёзда пишади. Меваси август ойида етилади. Дарахтнинг бўйи ўртача бўлиб, 5 м, шох-шаббаси кенг овалсимон шаклда, барги йирик эллипссимон, ранги яшил қиррали, силлиқ. Бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги 259,5 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик юмалоқ-цилиндрсимон, ранги сарғиш-яшил, айрим жойлари қизғиш, ўртача вазни 210 г, эти оқ-сарғиш, серсув, меваси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтдаги таъм баҳоси – 4,3 балл.



## 1.2. НОК НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ (*Pyrus cimmunis L.*)

### **ВИЛЬЯМС нави**

Ғарбий Европада яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кеч кузги, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача 5,4 м, тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 138,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 232,9 ц/га ни ташкил этади.

Меваси узунчоқ ноксимон шаклда бўлиб, юзаси ғадир-будур, пўстлоғи юпқа, ялтироқ, етилганда мум тусли сариқ, майда нуқталари бор. Мевасининг ўртача вазни – 140 г. Эти майин, сершира, мазаси жуда ҳам яхши. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,9 балл.



### **ЗИМНЯЯ НАШВАТЫ 2 нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган.

1959 йилдан Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва 1967 йилдан Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав қишки, меваси октябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Ҳосилдорлиги – 228,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 310,8 ц/га ни ташкил этди.

Нок дарахтининг бўйи баланд бўлиб, 10,3 м, шох-шаббаси кенг соябонсимон, олтинчи йили ҳосил бера бошлайди. Меваси бочкасимон, устки



қисми силлиқ, ранги сариқ, мевасининг ўртача вазни – 177 г. Эти оқ сершира, сарғиш жуда кумоқ, зич, сал нордон, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

### **ЛЕСНАЯ КРАСАВИЦА нави**

Бельгияда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Ёзда истеъмол қилинадиган хўраки нав. Меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Ҳосилдорлиги – 228,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 299,2 ц/га ни ташкил этади.



Нок дарахтининг бўйи ўртача 5,8 м, шох-шаббаси қалин ва кенг пирамидасимон. Экилгандан кейин тўртинчи йили ҳосилга қиради. Меваси тухумсимон-ноксимон, тилла ранг сариқ, яққол қизғиш ғуборлари бор, мевасининг ўртача вазни – 125 г. Эти сарғиш оқ, сершира, майин, мойли, мазаси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.

### **ЛЮБИМИЦА КЛАППА нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Ёзда истеъмол қилинадиган хўраки нав. Меваси июль ойининг учинчи ўн кунлигида пишади. Нок дарахтининг бўйи ўртача – 6,5 м. Экилгандан кейин бешинчи йили ҳосилга қиради. Ҳосилдорлиги – 72,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 110,3 ц/га ни ташкил этади.




Меваси калта ноксимон, пишганда сариқ, ёрқин қизил ғубори бор. Мевасининг ўртача вазни – 136 г. Эти оқ, сершира, оғизда эриб кетадиган даражада, мазаси нордон-ширин, хушбўй, жуда ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

### **ЛЕВОВАССЕР нави**

Францияда яратилган. 1983 йилдан Қашқадарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав қишки, меваси октябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Нок дарахтининг бўйи баланд – 7,1 м бўлиб, еттинчи йили ҳосилга қиради. Ҳосилдорлиги – 83,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги –



145,2 ц/га ни ташкил этади.

Меваси ноксимон, мева банди томони жуда торайган, пўстлоғи сарик рангда бўлиб, кўп сонли зангсимон нуқталари бор. Меваси йирик, ўртача вазни – 180 г. Эти оқ, зич, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

### **МРАМОРНАЯ РАССОШАНСК нави**

Россия Федерациясида яратилган. 2006 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ёзги, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд – 6,2 м бўлиб, кўчати экилгандан сўнг еттинчи йили ҳосилга киради.

Ҳосилдорлиги – 163,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 181,2 ц/га ни ташкил этади.

Меваси ноксимон, ўртача катталиқда, меванинг банд томони жуда торайган, пўстлоғи оч-сарик рангда бўлиб, силлиқ, меваси йирик, ўртача вазни – 160-240 г. Эти оқ ёки кремсимон, зич, сершира, мазаси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.



### **ОЛИВЬЕ ДЕ СЕРР нави**

Францияда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав қишки, меваси сентябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Нок дарахтининг бўйи паст – 3,4 м бўлиб, шох-шаббаси кенг, пирамидасимон. Нок дарахти экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 223,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 333,8 ц/га ни ташкил этади.

Меваси ясси-думалоқ, юзаси ғадир-будур, пишганда оч сарик, қизил ғуборли рангга киради. Мевасининг ўртача вазни – 157 г. Эти оқ сарғиш, сершира, оғизда эрийдиган даражада юмшоқ, мойли, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.



### **ПОДАРОК нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1959 йилдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида, 1967 йилдан эса Қорақалпоғистон Республикасида Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: А.К. Павлов, В.В. Кузнецов.*

Нав ёзги, меваси августнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Нок



дарахтининг бўйи ўртача – 2,7 м бўлиб, кенг шох-шаббалидир, дарахти экилгандан кейин тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 134,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 227,1 ц/га ни ташкил этади.


Меваси чиройли, ноксимон, оч сариқ, қизил ғуборли, мевасининг ўртача вазни – 145 г. Эти оқ, сал сарғиш, сершира, майин, мойсимон, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

### **РОЯЛЬ ЗИМНЯЯ нави**

Италияда яратилган. 1981 йилдан Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав қишки, меваси октябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. нок дарахтининг бўйи баланд – 10,5 м бўлиб, кенг шох-шаббалидир.

Дарахти экилгандан сўнг беш йил ўтиб, ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 68,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 100,9 ц/га ни ташкил этади.



Меваси ноксимон, юзаси ғадир-будур, ранги сариқ, сал сезиларли жигарранг нуқталари бор, мевасининг ўртача вазни – 180 г. Эти оч-сарғиш, оғизда эриб кетадиган даражада сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

### **САРЫ ГУЗАЛЬ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С.К. Шарипов.*

Ёзда пишади. Меваси июль ойида етилади. Мазкур навли нок дарахтининг бўйи ўртача баландликда, яъни 5,5-6,0 м бўлиб, шох-шаббаси кенг юмалоқ шаклда, барги йирик эллипссимон, ранги яшил қиррали, силлиқ. Олтинчи-еттинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 486,4 ц/га ни ташкил этади.



Меваси йирик ноксимон, ранги оч-яшил, айрим жойлари қизғиш, ўртача вазни 230 г. Эти оқ-сарғиш, серсув, меваси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

### **РАНО нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1982 йилдан Наманган вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: У.М. Мирзаҳидов.*

Нав кузги, меваси августнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Нок дарахтининг бўйи ўртача, кенг шох-шаббалидир. Дарахти экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 200 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 375,6 ц/га ни ташкил этади.

Меваси узунчоқ ноксимон, сариқ, қизил ғубори бор, йирик, мевасининг ўртача вазни – 153 г. Эти ўртача сершира, зич, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

### **САЛОМ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С.К. Шарипов.*

Эрта ёзда пишади. Меваси июль ойида етилади. Дарахтнинг бўйи ўртача 7,0 м бўлиб, шох – шаббаси бир текис, барги ўртача тухумсимон, ранги тўқ-яшил, силлиқ. Бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 490 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик ноксимон, ранги қизғиш, ўртача вазни 240 г. Эти оқ-сарғиш, серсув, меваси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



### **СТАРКРИМСОН нави**

АҚШда яратилган. 2005 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Кеч ёзда пишади. меваси август ойида етилади. Старкримсон нок дарахтининг бўйи ўртача 5,1 м бўлиб, шох-шаббаси ўртача, пирамидасимон-ёйиқ шаклда, барги ўртача тухумсимон, учли, ранги тўқ яшил, силлиқ. Нокнинг Старкримсон навли дарахти экилгандан кейин 5-чи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 129 ц/га ни ташкил этади.



Меваси йирик ноксимон, силлиқ, ранги тўқ қизил, ўртача вазни 160-250 г. эти оқ, серсув, меваси ширин хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл. Қуруқ модда – 18,1%, қанд миқдори – 10,2%, витамин С (аскорбин кислотаси) – 2,7 мг/%.

### **ЭЛЬСАРИ**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1988 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С.К. Шарипов.*

Нав ёзги, меваси июлнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи паст бўлиб, 3,5 м, тўртинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 57,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 68,9 ц/га ни ташкил этади.

Меваси олмасимон, оч сариқ рангда. Мевасининг ўртача вазни – 134 г. Эти оч сарғиш, оғизда эриб кетадиган даражада, жуда сершира. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

### **ТАЛГАРСКАЯ КРАСАВИЦА нави**

Қозоғистонда яратилган. 2004 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Кеч ёзда пишади. Меваси август ойида етилади. Нокнинг Талгарская красавица нави дарахтининг бўйи ўртача 4,8 м бўлиб, шох-шаббаси ўртача, пирамидасимон шаклда, барги ўртача тухумсимон, ранги тўқ яшил, силлиқ. Бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 169 ц/га ни ташкил этади.



Меваси йирик ноксимон, силлиқ, ранги тилласимон-сарғиш, ўртача вазни 145-185 г. Эти оқ-сарғиш, серсув, меваси ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Таркибидаги қуруқ модда – 18,8%, қанд миқдори – 10,2% ва витамин С (аскорбин кислотаси) миқдори – 2,7 мг/%.

### **ЮБИЛЕЙНАЯ**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

1982 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кузги, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Нок дарахтининг бўйи ўртача 6,3 м бўлиб, кенг шох-шаббалидир. Нок кўчати экилгандан сўнг саккизинчи йилдан ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 303,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 507,2 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик, мазаси яхши, мевасининг ўртача вазни – 213 г. Эти майин, сершира. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.

### **КУЛЯЛЯ 2 нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган.

1959 йилдан Сурхондарё ва 1982 йилдан Хоразм вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав қишки, меваси октябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Нок дарахтининг бўйи баланд – 7,1 м бўлиб, экилгандан сўнг еттинчи йили ҳосилга

киради. Ҳосилдорлиги – 132,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 235,4 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик, чиройли, мазаси унчалик яхши эмас, мевасининг ўртача вазни – 159 г. Эти сершира, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,0 балл.

### 1.3. БЕҲИ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ (*Cydonia Mill.*)


#### **АРОМАТНАЯ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1986 йилдан Қашқадарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: А.К. Павлов, У.М. Мирзахидов.*

Беҳи дарахтининг бўйи ўртача – 2,7 м бўлиб, кенг шох-шаббалидир. Беҳи кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 342,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 398,4 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик, ўртача вазни – 181 г, шакли олмасимон, силлиқ, пишган вақтида сарғиш рангга киради. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



#### **ИЗОБИЛЬНАЯ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

1959 йилдан Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва 1967 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.К. Павлов.*

Беҳи дарахтининг бўйи ўртача 2,9 м, шох-шаббаси тарқоқ, ясси думалоқ. Беҳи кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 69,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 112,8 ц/га ни ташкил этади.



Меваси бочкасимон, асос томони сал кенгайган, ранги сариқ. Мевасининг ўртача вазни 198 г бўлиб, эти оч сарғиш, зич, мазаси нордон, ўртача сершира, хушбўй.

### **КРЫМСКАЯ АРОМАТНАЯ нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1986 йилдан Хоразм вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Беҳи дарахтининг бўйи ўртача – 2,6 м бўлиб, шох-шаббаси думалоқ шаклли, учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 152,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 198,8 ц/га ни ташкил этади.

Меваси думалоқ ранет шаклли, силлик, ялтироқ, сал тукланган. Меваси пишган вақтида тилласимон-сарик рангга киради, мевасининг ўртача вазни – 210 г. Эти оч сарғиш. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.



### **МУШК БЕҲИ нави**

Маҳаллий нав, дарахти ўрта ўсувчи. Меваси йирик (235 г), думалоқ, тепаси озроқ сиқик, олтинсимон сарик, озроқ жигарранг, тукли. Мева эти ўртача зичликда, сувли юмшоқ, нордон ширин, ҳидли, универсал ишлатишга мойил. Ҳосилга 4-5 йили киради, октябрь ойида пишади, февраль ойигача сақланади. Ҳосилдорлиги 150-180 ц/га. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.



### **ОТЛИЧНИЦА нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1986 йилдан Фарғона вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахтининг бўйи ўртача 2,5 м, шох-шаббаси қалин, беҳи дарахти экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 347,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 385 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик, ўртача вазни – 261 г, мевасининг ранги оч сарик, сал тукланган. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.



### **СОВХОЗНАЯ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1959 йилдан Сирдарё, Тошкент ва 1967 йилдан Жиззах вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.Н. Лейн.*

Беҳи дарахтининг бўйи – 3,6 м, шохшаббасининг қалинлиги ўртача, дарахти экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пишади. Ҳосилдорлиги – 289,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 391,1 ц/га ни ташкил этади.

Меваси ноксимон, асоси узунчоқ бўлиб, ранги сариқ, усти силлиқ, ўртача тукланган, ўртача вазни – 204 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,2 балл.



### **САМАРҚАНДСКАЯ КРУПНОПЛОДНАЯ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

1959 йилдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.Н. Лейн.*

Беҳи дарахтининг бўйи 3,5 м бўлиб, экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Ҳосилдорлиги – 116,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 157,1 ц/га ни ташкил этади. Меваси ноксимон шаклда, яшилроқ сариқ рангда, ўртача тукланган, йирик. Беҳи мевасининг ўртача вазни – 273 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.



### **ХОРАЗМ НОКСИМОН БЕҲИСИ нави**

Хоразм воҳасида экилади, меваси йирик (300 г), нок шаклида, йирик кенг қиррали, жигаррангсимон тукли. Туки осон тозаланади, пўсти силлиқ, кўкимтир рангли, сақланганда сариқ тусга киради. Эти сарғиш-оқ, зич, бир оз дағал, ўртача сувли, сезилар-сезилмас хушбўй, тахирроқ, нордон-ширин.

Ҳосилдорлиги ўртача. Октябр бошларида узилади, мартгача яхши сақланади. Сақланганда пўстининг ости доғланиб тахирлашади.



## 2. ДАНАК МЕВАЛАР

### 2.1. ОЛХЎРИ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Prunus domestica L.*)

#### **БЕРТОН нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи унча катта эмас – 3,8 м, шох-шаббаси кенг пирамидасимон. Нав экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосил бера бошлайди.

Меваси тухумсимон, тўқ кўк, йирик, ўртача вазни – 52 г бўлиб, эти оқ сарик, сершира, сал тола-тола, хушбўй хиди бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.



#### **ВЕНГЕРКА ДОМАШНЯЯ нави**

Нав қаерда яратилгани номаълум. 1975 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечки, меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. дарахтнинг бўйи баланд, экилгандан кейин бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 170,0 ц/га ни ташкил этади.

Меваси тухумсимон, тўқ кўк, мум ғуборли, ўртача вазни – 43 г. Эти тўқ сарик, сершира, жуда мазали. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.



#### **ВЕНГЕРКА ФИОЛЕТОВАЯ нави**

Ғарбий Европада яратилган. 1959 йилдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари, 1967 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм вилоятлари, 1973 йилдан эса Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, августнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Олхўри дарахтининг бўйи баланд – 4,9 м бўлиб, шох-шаббаси думалоқ, тарқоқ, дарахти экилгандан сўнг бешинчи йилда ҳосилга киради. Ҳосилдор-



лиги – 319,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 410,7 ц/га ни ташкил этади.

Меваси венгеркаларга хос шаклли, тўқ кўк, қалин мумсимон ғубор билан қопланган, меваси йирик, вазни – 4,6 г. Эти тўқ сарик, сершира, жуда ҳам этли, ширин мазали, хушбўй. Данаги этидан яхши ажралади, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

### **ВАШИНГТОН нави**

АҚШда яратилган. 1982 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида пишади.

Дарахтнинг бўйи баланд – 5,1 м, шох-шаббаси думалоқ шаклли, олхўри кўчати экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 165,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 331,7 ц/га ни ташкил этади. Мевасининг ранги тўқ қизил, йирик, вазни – 34 г. Эти оқ сарик, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



### **ИСПОЛИНСКАЯ нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар, меваси августнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд – 5,2 м бўлиб, шох-шаббаси тухумсимон, қалин. Кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 95,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 140,0 ц/га ни ташкил этади. Меваси тухумсимон, ранги тўқ қизил бўлиб, мумсимон ғубори бор, меваси йирик, ўртача вазни – 44 г. Эти сарик, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин. Данаги этидан яхши ажралади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.



### **СУПЕРИОР нави**

Нав Америкадан келтирилган бўлиб, экилгандан сўнг 2-3 йили ҳосил бера бошлайди.

Мунтазам ва мўл ҳосил бериши билан ажралади туради. Мевалари йирик, 55-65 г атрофида, пўстининг асосий ранги тўқ сарик, қопловчи ранги тўқ қизил, пўстининг юзасини тигиз мум ғубори қоплаб олади.





Мева эти кремсимон-сарик, майин толали. Данаги этидан яхши ажралади. Нав ўзини ўзи чанглай олмайди, шу боис унга хитой олхўриси навлари ёки тоғолча кўшиб экилади. Ҳосилдорлиги – 210-220 ц/га ни ташкил этади. Ҳосили июль ойининг иккинчи ярмида пишиб етилади.

### **ЧЕРНОСЛИВ САМАРҚАНДСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

*Муаллиф: В.П. Черновалова.*

1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар бўлиб, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Бир дарахтдан олинган ўртача ҳосил – 95 кг ни ташкил этади.

Дарахтнинг бўйи баланд, кичик ёшида пирамидасимон, катта ёшида тарқоқ. Дарахти экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради, меваси йирик, ўртача вазни – 43 г. Эти тўқ сарик, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин, данаги этидан яхши ажралади, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.



### **ЯРХИ нави**

Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: К.И. Байметов, Ш.Н. Раҷаметов.*

Кеч ёзда пишади, меваси август ойида етилади. Дарахтининг бўйи ўртача 4,8 м бўлиб, шох-шаббаси ўртача, пирамидасимон шаклда, барги ўртача тухумсимон, ранги тўқ яшил, силлиқ. Олхўри кўчати экилгандан сўнг ҳосилга бешинчи йили киради. Ҳосилдорлиги – 169 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик, ноксимон, силлиқ, ранги тилласимон сарғиш, мевасининг ўртача вазни 145-185 г. Эти оқ сарғиш, серсув, меваси ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Таркибида куруқ модда – 18,8%, қанд миқдори – 10,2% ва Витамин С (аскорбин кислотаси) – 2,7% дан иборат.

## **2.2. ТОҒОЛЧА НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

*(Prunus cerasifera Ehrh)*

### **МАЙСАРА нави**

Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Г.В. Манахов, К.И. Байметов, Х.М. Хасанов.*

Нав жуда эртапишар. Дарахтининг бўйи паст – 2,5 м бўлиб, шох-шаббаси ўртача калинликда, шакли шарсимон, диаметри 2,5 м бўлиб, интенсив боғлар

яратишга яроқли. Кўчати экилгандан сўнг ҳосилга жуда барвақт – учинчи йили киради ва ҳар йили юқори ҳосил беради. Тошкент вилояти шароитида март ойининг охири-апрель ойининг бошида гуллайди. Меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида етилади.

Йирик меваси универсал йўналишда ишлатишга яроқли бўлиб, ўртача вазни 35-39 г. Шакли думалоқ, ранги бинафша ранг. Данаги кичкина, этидан яхши ажралади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Мевасининг кимёвий таркиби: қуруқ модда – 15,16%, қанд моддаси – 9,64%, шу жумладан, сахароза – 4,71%, аскорбин кислотаси – 5,94 мг/100 г, кислоталилиги – 1,76% дан иборат.

Ҳосилдорлиги – 25,5 т/га ни ташкил этади. Касаллик ва ҳашаротларга чидамли, ҳар хил тупроқ-иклим шароитларида яхши ўсади ва яхши ҳосил беради. Нав ўзини ўзи чангламайди. Ушбу навга тавсия этилган чангловчи навлар: Фиолетовая десертная, Мухтор, Южная красавица, Обильная.

### **МУХТОР нави**

Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Г.В. Манахов, К.И. Байметов, Х.М. Хасанов.*

Нав эртапишар бўлиб, меваси июннинг охири – июлнинг бошларида етилади. Дарахт паст бўйли, бўйи – 3,8 м, шох-шаббаси кенг, супургисимон шаклда бўлиб, ўртача қалинликда, шох-шаббасининг диаметри 4,5 м. Тошкент вилояти шароитида мартнинг охири – апрелнинг бошида гуллайди. Кўчати экилгандан сўнг ҳосилга учинчи йили киради, ҳар йили юқори ва сифатли ҳосил беради.

Чиройли йирик мевалари янгиллигида ейишга ва консервалаш йўналишида ишлатишга яроқли бўлиб, ўртача вазни – 48 г. Шакли думалоқ, ранги сариқ, данаги кичкина. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,9 балл. Мевасининг кимёвий таркиби: қуруқ модда – 18,88%, қанд моддаси – 7,42%, шу жумладан, сахароза – 1,20%, аскорбин кислотаси – 4,23 мг/100 г, кислоталилиги – 1,64% дан иборат. Ҳосилдорлиги – 32,5 т/га ни ташкил этади. Касаллик ва ҳашаротларга чидамли, ҳар хил тупроқ-иклим шароитларида яхши ўсади ва яхши ҳосил беради.

Ушбу навга тавсия этилган чангловчи навлар: Майсара, Фиолетовая десертная, Южная красавица, Обильная навларидир.

### **ҲОСИЛОТ нави**

Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Г.В. Манахов, К.И. Байметов, Х.М. Хасанов.*

Нав эртапишар бўлиб, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида етилади.

Дарахт паст бўйли бўлиб, интенсив боғлар яратишга яроқли. Бўйи – 2,3 м бўлиб, шох-шаббасининг диаметри 2,4 м, шакли кенг супургисимон бўлиб, ўртача қалинликда. Тошкент вилояти шароитида март ойининг охири – апрелнинг бошларида гуллайди. Кўчати экилгандан сўнг ҳосилга эрта – учинчи йили

киради ва ҳар йили юқори ҳосил беради.

Йирик меваси универсал йўналишда ишлатишга яроқли бўлиб, ўртача вазни – 35 г. Шакли думалоқ, ранги тўқ қизил. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Мевасининг кимёвий таркиби: куруқ модда – 16,19%, қанд моддаси – 9,53%, шу жумладан, сахароза – 0,51%, аскорбин кислотаси (витамин С) – 6,47 мг/100 г, кислоталилиги – 1,98% дан иборат. Ҳосилдорлиги – 23,6 т/га ни ташкил этади. Касаллик ва ҳашаротларга чидамли, ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларида яхши ўсади ва яхши ҳосил беради.

Ушбу навга тавсия этилган чангловчи навлар: Фиолетовая десертная, Южная красавица.

### **КОМЕТА нави**

Нав Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тажриба, селекция станциясида яратилган. 1995 йилдан Фарғона вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тоғолча дарахтининг бўйи – 3,8 м, шох-шаббаси – 4,3 м. Меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида пишади, данаги этидан яхши ажралади. Мевасининг ўртача вазни – 41 г дан 45 г гача. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



Ҳосилдорлиги – 219,4 ц/га ни ташкил этади. Бу навнинг сифати, таъми ва ҳосилдорлиги юқори.

### **КРАСАВИЦА нави**

Нав Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1984 йилдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, июлнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ ва анча қалин, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси думалоқ, қизғиш, ўртача вазни – 17 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Данаги этидан чала ажралади. Ҳосилдорлиги – 109,9 ц/га ни ташкил этади.

### **КУРОРТНАЯ нави**

Нав Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1997 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси ўртача думалоқ бўлиб, тўқ қизил, кўп оч нукталари бор, мумсимон ғуборли. Мевасининг ўртача вазни – 16 г. Эти оч сарик, сершира, майин, ёқимли даражада нордон. Ҳосилдорлиги ҳар бир дарахтдан 70 кг ни ташкил этади.

### **МАЛИНОВАЯ нави**

Нав Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Н.В. Ковалев, А.С. Татаурова.*

Дарахтининг бўйи ўртача, тухумсимон, шох-шаббаси сийрак. Кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Нав ўртапишар, меваси июннинг учинчи ўн кунлигида етилади. Меваси ясси думалок, асосий ранги яшил-сарик бўлиб, ғуборли қопламаси бор, мевасининг ўртача вазни – 27 г. Эти майин, сершира, ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Ҳосилдорлиги – 165,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 281,2 ц/га ни ташкил этади.



### **ФИОЛЕТОВАЯ ДЕСЕРТНАЯ нави**

Нав Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Н.В. Ковалев, А.С. Татаурова.*

Нав кечпишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси сийрак, кўчати экилгандан сўнг иккинчи-учинчи йили ҳосилга киради. Меваси йирик, ўртача вазни – 24 гр, шакли думалок, учи сал ботик, устки қисми тўқ қизил. Эти тўқ сарик, зич, майин, сершира, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Ҳосилдорлиги – 174,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 202,3 ц/га ни ташкил этади.



### **ОБИЛЬНАЯ нави**

Нав Никитин давлат ботаника боғида яратилган. 1996 йилдан Хоразм вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Нав консервабоп. Мевасининг ўртача вазни – 28 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Ҳосилдорлиги – 313 ц/га ни ташкил этади. Нав серҳосил ва чиройли.

## 2.3. ОЛЧА НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Prunus cerasus*)

### ГРИОТ ОСТГЕЙМСКИЙ нави

Испанияда яратилган. 1959 йилдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида етилади.

Олча дарахтининг бўйи ўртача бўлиб, шох-шаббаси ясси-шарсимон, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Нав ўз-ўзидан чангланмайди, олча-нинг Любская 15 нави энг яхши чангланув-чи навлардан бири бўлиб ҳисобланади. Меваси ўртача катталиқда, ўртача вазни – 4,1 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Ҳосилдорлиги – 97,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 217,6 ц/га ни ташкил этади.



### ЛЮБСКАЯ 15 нави

Ўзбекистон Республикасидаги 10-Янгийўл узумчилик-боғдорчилик Давлат хўжалигида яратилган. 1959 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: В.В. Кузнецов, А.Н. Лейн.*

Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи паст – 3,5 м, шох-шаббаси шарсимон. Кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил-га киради. Меваси думалоқ, юраксимон, ранги тўқ қизил, йирик, ўртача вазни – 4,9 г. Эти тўқ сарик, қизил, майин, сершира, мазаси нордон-ширин, данаги этидан яхши ажралади, сал тахири бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл. Ҳосилдорлиги – 49,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 86,4 ц/га ни ташкил этади.



### ПОДБЕЛЬСКАЯ нави

Германияда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Олча дарахтининг бўйи баланд – 7,0 м, меваси йирик, думалоқ, учи тўмтоқ, ранги тўқ қизил, қорага яқин, ўртача вазни – 4,9 г. Эти тўқ қизил, майин, сершира, меваси нордон-ширин, анча зич.



Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Ҳосилдорлиги – 79,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 161,2 ц/га ни ташкил этади.

### **САМАРҚАНДСКАЯ нави**

Нав Ўзбекистон халқи томонидан яратилган. 1959 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июлнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи ўртача – 5,5 м, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради.

Мевасининг шакли думалоқ, асосий ранги тўқ қизил, меваси унча катта эмас, ўртача вазни – 3,0 г. Эти тўқ қизил, зич, ўртача сершира, майин, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Ҳосилдорлиги – 112,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 186,8 ц/га ни ташкил этади.



### **ТУРГЕНЕВКА нави**

Орёл мевачилик тажриба станциясида яратилган. 1991 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади.

Дарахтининг бўйи ўртача – 2,9 м, кўчати экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосилга киради. Мевасининг ранги тўқ қизил, ўртача вазни – 4,0 г. Эти сершира, тўқ қизил, ўртача вазни – 4,0 г, майин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Ҳосилдорлиги – 26,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 40,8 ц/га ни ташкил этади.



### **ШПАНКА ЧЁРНАЯ нави**

Нав Ўзбекистон халқи томонидан яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахтининг бўйи ўртача – 3,3 м, шох-шаббаси думалоқ, қалинлиги ўртача.

Меваси ясси, думалоқ, ялтироқ тўқ қизил, йирик, ўртача вазни – 4,8 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл. Ҳосилдорлиги – 90,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 199,2 ц/га ни ташкил этади.



## 2.4. ГИЛОС НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Prunus avium* L.)

### **ВАЛЕРИЙ ЧКАЛОВ нави**

Нав Украина суғориладиган боғдорчилик илмий-тадқиқот институтининг И.В. Мичурин номидаги Марказий генетика лабораториясида яратилган. 1986 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси майнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Ҳосилдорлиги – 149,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 176,1 ц/га ни ташкил этади.

Дарахтнинг бўйи ўртача 7,2 м, шох-шаббаси кенг тарқоқ. Гилос дарахти экил-гандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Меваси йирик, думалоқ-юраксимон, ранги тўқ қизил. Меваси-нинг ўртача вазни – 5,1 г. Эти сершира, хушбўй, зичлиги ўртача, мазаси яхши, данаги этидан яхши ажралади.



### **ВОСХОД нави**

Нав Украина суғориладиган боғдорчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган.

2005 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахти-кучли ўсувчан, кенг пирамида-симон шох-шаббали. Барги йирик, узунчоқ-овалсимон шаклда. Гули оқ, диаметри – 39 мм, 5-6 тожбаргли, ўлчами – 17-16 мм, кенг овалсимон.

Меваси йирик – 20-22-23 мм, оғирлиги – 7,7 г, юраксимон, тепаси думалоқ. Пўсти қийин ажралади, тўқ қизил рангда. Мағзи қизил олча рангда, пишиқ ва серсув, қандлилиги юқори, кислоталилиги ўртача. Мевасининг кимёвий таркиби: курук модда – 22,3%, умумий қанд – 11,74%, титраланувчи кислота – 1,0 мл/г. Витамин С (аскорбин кислотаси) – 3,74 мг/%.



Данаги мағзидан ўртача ажралади, ранги оч крем рангда, ўлчами – 9-8-7 мм, оғирлиги – 0,53 г. Мева банди – 47 мм, мевага маҳкам ёпишган, гуллаш даври – 8-17 апрель. Пишиш вақти – 10-20 май. Ҳосилдорлиги – 68 кг/дарахт, ўртача ҳосилдорлиги эса гектаридан – 141,4 ц/га ни ташкил этади.

### **КОЛХОЗНАЯ нави**

Нав Украина суғориладиган боғдорчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2006 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахти кучли ўсувчан, кенг пирамидасимон шох-шаббали. Барги йирик, узунчоқ-овалсимон шаклда, гули оқ, диаметри 38 мм, 3-6 тожбаргли, ўлчами 17-13 мм, кенг овалсимон. Меваси йирик – 19-22-21 мм, оғирлиги – 8,2 г, юраксимон, тепаси думалоқ.

Пўсти қийин ажралади, тўқ қизил рангда. Мағзи қизил рангда, серсув, қандлилиги юқори, кислоталилиги ўртача. Гилос мевасининг кимёвий таркиби: куруқ модда – 21,6%, умумий қанд миқдори – 13,0%, витамин С (аскорбин кислотаси) – 9,7 мг/%.

Данаги мағзидан ўртача ажралади, ранги оч крем рангда, ўлчами – 9-8-7 мм, оғирлиги – 0,41 г. Мева банди – 45 мм, мевага маҳкам ёпишган. Гуллаш даври – 3-12 апрель, пишиш вақти – 20-25 май. Ҳосилдорлиги – 62 кг/даракт (135,4 ц/га).

### **ДРОГАНА ЖЁЛТАЯ нави**

Германияда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида пишади.

Дарахтининг бўйи баланд – 6,9 м бўлиб, шох-шаббаси қалин. Дарахти экилгандан сўнг тўртинчи йилдан ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 83,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 163,8 ц/га ни ташкил этади.

Меваси думалоқ, шарсимон, ранги сарик, йирик, ўртача вазни – 5,0 г. Эти зич, оч сарик, жуда сершира, мазаси ширин, сал тахири бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,5 балл.



### **КАРА ГЕЛЕС нави**

Халқ томонидан яратилган маҳаллий нав. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Гилос дарахтининг бўйи баланд, экилгандан сўнг 3-4 йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 88,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 118,9 ц/га ни ташкил этади.

Меваси ўртача, тўқ қизил, мазаси ўзига хос, серсув. Меваси июннинг биринчи ўн кунлигида пишади. Мевасининг ўртача вазни – 5,6 г, пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,0 балл.



### **САМОЦВЕТ нави**

Нав Украина суғориладиган боғдорчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2005 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахти ўрта ўсувчан, кенг пирамидасимон шаклда. Барги йирик, чўзинчоқ-тухумсимон шаклда. Гули оқ рангда, диаметри 39 мм, тожбарги – 16-14 мм ўлчамда, овалсимон. Меваси йирик – 20-22-24 мм, оғирлиги – 8,2 г, юраксимон, тепаси думалоқ. Пўсти мевадан қийин ажралади, тўқ қизил рангда.

Мағзи қизил олча рангда, қаттиқ ва серсув. Қандлилиги ва кислоталилиги



ўртача. Кимёвий таркиби: куруқ модда – 19,0%, умумий қанд – 13,56%, титрланувчи кислота – 0,79 мл/г, аскорбин кислотаси – 5,3 мг/%.

Данаги мағзидан яхши ажралади. Янги данак крем рангда, ўлчами – 10-9-8 мм, оғирлиги – 0,59 г. Мева банди узунлиги – 52 мм. Гуллаш даври – 5-15 апрел. Пишиш муддати – 10-27 май. Ҳосилдорлиги бир дарахтдан 65 кг ёки 135,2 ц/га ни ташкил этади.

### **КОСМИЧЕСКАЯ нави**

Нав Украинанинг суғориладиган боғдорчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1986 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Гилос дарахтининг бўйи баланд, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади, дарахти экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 102,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 162,3 ц/га ни ташкил этади. Мевасининг ранги қизил, шакли думалоқ-юраксимон, серсув, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,9 балл, вазни – 8 г.



### **РЕВЕРШОН нави**

Нав Италияда яратилган. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахтнинг бўйи катта бўлиб, кўчати экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 102,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 135,6 ц/га ни ташкил этади.

Меваси йирик, ички қисми қизил, серсув, ширин, данагидан яхши ажралади, ўртача вазни – 7,3 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.



## **2.5. ШАФТОЛИ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

*(Prunus persica (L). Batch)*

### **ГВАРДЕЙСКИЙ КРАСАВЕЦ нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1984 йилдан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июлнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи баланд бўлиб, шох-шаббаси думалоқ, қалин, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси ясси-думалоқ, ранги сариқ бўлиб, устида қизил ғубори бор, сал тукланган, мевасининг ўртача вазни – 100 г. Эти сариқ, сершира, майин, данаги этидан яхши ажралади. Мевасининг

пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Ҳосилдорлиги – 185,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 395,5 ц/га ни ташкил этади.

### **ГАРТВИС нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1984 йилдан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалок, қалин, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси думалок, асосий ранги сариқ бўлиб, оч қизил ғубор билан қопланган, мевасининг ўртача вазни – 98 г. Эти сариқ, сершира, данаги этидан яхши ажралади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,9 балл.



Ҳосилдорлиги – 175,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 288,8 ц/га ни ташкил этади.

### **ГУЛЬНОЗ нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1992 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.И. Байметов.*

Нав ўртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалок, ўртача қалинликда, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси думалок-тухумсимон. Асосий ранги оч сариқ, оч қизил ғубори бор, сал тукланган, мевасининг ўртача вазни – 130 г. Эти оқ, майин, ширин, ўртача сершира, данаги этидан яхши ажралади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл. Ҳосилдорлиги – 243,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 387,8 ц/га ни ташкил этади.

### **ДЖОН ХЕЙЛ 28 нави**

АҚШда яратилган. 1992 йилдан Бухоро вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг учинчи ўн кунлигида пишади.

Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача – 4,2 м, шох-шаббасининг диаметри 3,8 м, меваси ўртача, вазни – 94 г. Мевасининг шакли узунчоқ, данагидан яхши ажралади, ранги сариқ, мазаси нордон-ширин, сершира, мазаси қониқарли. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.



Ҳосилдорлиги – 152,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 307,2 ц/га ни ташкил этади.

### **ДЖЕРСЕЙЛАНД нави**

АҚШда яратилган. 1992 йилдан Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июлнинг учинчи ўн кунлигида етилади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалок, ўртача қалинликда, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Меваси думалок, ранги қизил, сал тукланган, мевасининг ўртача вазни – 165 г, эти тўқ сарик, сершира. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,9 балл. Ҳосилдорлиги – 293,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 543,3 ц/га ни ташкил этади.

### **ИНЖЫРНЫЙ НОВЫЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1959 йилдан Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Фарғона, 1967 йилдан Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Череватенко.*

Нав ўртапишар бўлиб, меваси июлнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи баланд, кенг, шох-шаббаси қалин, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради.

Шафтоли меваси думалок, оч сарғиш бўлиб, бутун юзаси бўйлаб қизил ғубори бор. Мевасининг ўртача вазни – 140 г. Эти яшилроқ оқ, майин, хушбўй, сершира, ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.

Ҳосилдорлиги – 126,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 213,5 ц/га ни ташкил этади.



### **КАРДИНАЛ нави**

АҚШда яратилган. 1969 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав эртапишар бўлиб, меваси июннинг учинчи ўн кунлигида етилади.

Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Шафтоли меваси думалок, асосий ранги сарик, бутун юзаси тўқ қизил ғубор билан қопланган, мевасининг ўртача вазни – 137 г. Эти сарик, майин, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл. Ҳосилдорлиги – 210,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 360,8 ц/га ни ташкил этади.



### **ЛОЛА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

1959 йилдан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, 1967 йилдан Хоразм вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Череватенко.*

Нав кечпишар, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи ўртача, кенг шох-шаббали, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил беради. Меваси думалок, ранги эса тўқ сариқ-қизил, туксиз. Мевасининг ўртача вазни – 83 г. Эти сариқ, сершира, оғизда эрийдиган даражада, мазаси нордон-ширин, кучсиз бодом ҳидли. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл. Ҳосилдорлиги – 167,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 312,8 ц/га ни ташкил этади.



### **ЛЮЧАК РАННИЙ нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1992 йилдан Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифи: К.И. Байметов.*

Нав ўртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача бўлиб, шох-шаббаси сийрақ, тарқоқ. Кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Меваси тухумсимон, сариқ, туксиз, ўртача вазни – 50 г. Эти оч сарғиш-сариқ, майин, сершира, мазаси нордон – ширин, бодом ҳидли, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.



Ҳосилдорлиги – 263,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 409,4 ц/га ни ташкил этади.

### **ИСТИҚБОЛ нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида Солнечный навининг эркин чангланиш натижасида олинган ниҳолларини танлаш йўли билан яратилган. 2005 йилдан Фарғона вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.И. Байметов.*

Нав ўрта муддатларда, яъни июлнинг учинчи декадасида пишади. Асосан ҳўл ҳолда ейишга мўлжалланган нав ҳисобланади, лекин ундан юқори сифатли компот ва мурабболар тайёрлаш мумкин. Дарахтлар кучли ўсувчи, шох-

шаббалари катта, ўртача қалинликда. Кўчати экилгандан сўнг 2 – 3 йили ҳосилга киради.

Мевалари йирик, бир хил, думалоқ шаклда. Мева пўсти ўртача қалинликда, тукли. Асосий ранги сариқ, қоплама ранги тўқ қизил бўлиб, меванинг бир қисмини эгаллаган. Мева эти сариқ, ширин мазали. Мева таъми 4,9 балл бўлиб, андоза навидан устун туради. Данаги мева этидан яхши ажралади, ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 170-175 ц/га ни ташкил этади. Касаллик ва зараркунандаларга, баҳор аёзларига чидамлилиги бўйича андоза нав билан тенг, лекин қишга чидамлилиги бўйича ундан устун туради. Нав Фарғона водийси вилоятларида туманлаштириш учун тавсия этилади.

### **МАЛИНОВЫЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1959 йилдан Тошкент вилоятидан ташқари қолган ҳамма вилоятлар бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Череватенко.*

Нав кечпишар, меваси августнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, кенг шох-шаббаси пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосил бера бошлайди.



Меваси думалоқ-тухумсимон, ранги оқ, қуёш тушган томони қизил, ўртача вазни – 139 г. Эти оқ, жуда сершира, хушбўй, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.

Ҳосилдорлиги – 101,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 141,6 ц/га ни ташкил этади.

### **МОРЕТТИНИ ЖЕЛТЫЙ РАННИЙ нави**

Италияда яратилган. 1992 йилдан Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди.



Шафтоли меваси думалоқ-тухумсимон, асосий ранги сариқ, тўқ қизил ғубори бор, сал тукланган, ўртача вазни – 106 г. Эти сариқ, майин, сершира. Мазаси нордон-ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл. Ҳосилдорлиги – 246,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 600,8 ц/га ни ташкил этади.

### **НАРГИЗ нави**

Арманистон узумчилик, шаробчилик ва асалчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1989 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар, меваси августнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалок, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради.

Мевасининг ранги тўқ-сарик, қизил ғубор билан қопланган, йирик, мевасининг ўртача вазни – 155 г. Эти оч сарик, хушбўй, сершира, майин, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

Ҳосилдорлиги – 238,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 320,6 ц/га ни ташкил этади.

### **НЕКТАРИН ТАШКЕНТСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1991 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Т.А. Вдовцева.*

Нав ўртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди.

Шафтоли меваси думалок, сарик, тўқ қизил чизиқлари бор, туксиз, мевасининг ўртача вазни – 46 г. Эти сарик, мевасининг мазаси нордон-ширин, кучсиз бодом ҳидли. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл. Ҳосилдорлиги – 112,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 188,8 ц/га ни ташкил этади.



### **ПОДАРОК УЗБЕКИСТАНА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1989 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Т.А. Вдовцева.*

Нав ўртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалок, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Шафтоли мевасининг шакли думалок, ранги оч сарик, қизил ғуборли, кам тукли, йирик, ўртача вазни – 139 г. Эти сарик, сал толали, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.

Ҳосилдорлиги – 192,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 353,8 ц/га ни ташкил этади.



### **СТАРТ нави**


Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Череватенко.*

Нав кечпишар, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида етилади.

Шафтоли дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси қалин, кенг пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради.

Мевасининг шакли думалоқ, учи сал чикқан, ранги тилласимон сариқ, сал қизил ғубори бор, меваси йирик, кам тукланган, ўртача вазни – 132 г. Эти сариқ, зичлиги ўртача, сершира, данаги этидан яхши ажралади, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Ҳосилдорлиги – 329,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 242,3 ц/га ни ташкил этади.



### **ФАРХОД нави**


Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1958 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Череватенко.*

Нав кечпишар, меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида етилади.

Шафтоли дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ, қалинлиги ўртача, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Мевасининг шакли думалоқ-тухумсимон, асосий ранги тўқ сариқ, сал ғуборли, тукли, йирик, ўртача вазни – 152 г. Мевасининг пишган

вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл. Ҳосилдорлиги – 2476 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 268,9 ц/га ни ташкил этади.



### **ОБИЛЬНЫЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1959 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Череватенко.*

Нав кечпишар, меваси августнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалоқ, қалин, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосил бера бошлайди. Шафтоли меваси думалоқ, туксиз, сариқ, қизил ғубори бор. Эти сариқ, сершира, зичлиги ўртача,

мевасининг мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

Ҳосилдорлиги – 243,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 276,7 ц/га ни ташкил этади.

### **УЧҚУН нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида Нектарин Бордовый навининг эркин чангланиш натижасида олинган ниҳолларини танлаш йўли билан яратилган. 2002 йилдан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.И. Байметов.*

Шафтоли дарахлари кучли ўсувчи, шох-шаббалари катта думалоқ шаклда бўлиб, ўртача қалинликда. Кўчати экилгандан сўнг ҳосилга 2-3 йили киради. Нав августнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Бу нав универсал нав бўлиб, ҳўл ҳолда истеъмол қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган. Мазкур шафтолининг меваларидан юқори сифатли компот, мураббо ва джемлар тайёрлаш мумкин. Мевалари йирик, бир хил, думалоқ шаклда, меваларининг ён томони бир оз сиқилган, мева пўсти ўртача қалинликда ва ўртача тукланган. Асосий ранги сариқ, қоплама ранги тўқ қизил, мева эти сариқ, майин толали, ширин-нордон мазали. Данаги мева этидан яхши ажралади, ўртача ҳосилдорлиги – 140 ц/га ни ташкил этади.

### **ШИРИН МАҒИЗ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1989 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: Т.А. Вдовцева.*

Бу нав кечпишар бўлиб, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Мевасининг шакли шарсимон-думалоқ, асосий ранги сариқ, қизил ғуборли, ўртача вазни – 108 г. Эти сариқ, сершира, оғизда эриб кетадиган, мевасининг мазаси



нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл. Ҳосилдорлиги – 213,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 258,8 ц/га ни ташкил этади.

### **ЧИМГАН нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1989 йилдан Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.И. Байметов.*

Бу нав кечпишар бўлиб, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида пишади.



Шафтоли дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалоқ, қалин, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Мевасининг шакли япалоқ-тухумсимон, мевасининг ранги оч-сарик, туксиз, ўртача вазни – 80 г. Эти оч-сарғиш, сал толали, мазаси нордон-тахир. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл. Ҳосилдорлиги – 195,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 254,5 ц/га ни ташкил этади.

### **ҲИЛОЛА нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида Успех навининг эркин чангланиши натижасида олинган ниҳолларни танлаш йўли билан яратилган. 2005 йилдан Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.И. Байметов.*

Шафтоли дарахлари кучли ўсувчи, шох-шаббалари катта думалоқ шаклда бўлиб, ўртача қалинликда. Кўчати экилгандан сўнг ҳосилга 2-3 йили киради. Нав августнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Бу нав универсал нав бўлиб, ҳўл ҳолда истеъмол қилиш учун ва қайта ишлашга мўлжалланган. Меваларидан юқори сифатли компот,



мураббо ва джемлар тайёрлаш мумкин. Мевалари йирик, бир хил, думалоқ шаклда, меваларининг ён томони бир оз сиқилган, мева пўсти ўртача қалинликда ва ўртача тукланган. Асосий ранги сарик, қоплама ранги тўқ қизил, мева эти сарик, майин толали, ширин-нордон мазали. Данаги мева этидан яхши ажралади, ўртача ҳосилдорлиги 170-180 ц/га ни ташкил этади. Қишга чидамлилиги юқори бўлиб, бошқа навлардан устун туради. Нав Фарғона водийси вилоятларида туманлаштириш учун тавсия этилади.

### **МУЯССАР нави**

Бу маҳаллий нав Фарғона вилояти (Кува тумани) да аниқланган. 2013 йилда Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахт ўрта бўйли, шох-шаббаси думалоқ. Мевалари йирик, бир хил катталиқда (150 г), думалоқ-овалсимон. Пўсти нозик, туксиз (нектарин), оч-сарик тусли тўқ-қизил кенг ёйилган доғли. Ширин таъмли, билинар-билинемас ўткир нордонлиги ҳам бор. Таъм баҳоси – 4,5 балл. Меваларида 18% қуруқ модда, 12,5% умумий қанд микдори, 0,56% кислота, 13 мг/% витамин “С” (аскобин кислотаси) мавжуд.



Навданн янги узилган сархил мева сифатида, шунингдек, қайта ишлаш (компот, мураббо, жем ва ҳ.к.) учун фойдаланса бўлади. Қурилган маҳсулот 20% чиқади. 2-3 йили ҳосилга киради. Ҳосили августнинг биринчи декадасида узилади. Ҳосилдорлиги юқори – 220-280 ц/га. Мевалари транспортда ташишга

яроқли.

### **ЭЛЬБЕРТА нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав кечпишар бўлиб, меваси августнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Шафтоли дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ, қалин, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Мевасининг шакли думалоқ-тухумсимон, асосий ранги тўқ сариқ, қизил ғуборли, кам тукли, ўртача вазни – 143 г. Эти тўқ сариқ, сершира, майин, мевасининг мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл. Ҳосилдорлиги – 247,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 370,0 ц/га ни ташкил этади.

### **ЮТУҚ нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2006 йилдан Бухоро ва Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.И. Байметов.*

Нав кечпишар, меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Асосан истеъмол ва қайта ишлашга мўлжалланган нав, лекин ундан юқори сифатли компот ва мураббolar тайёрлаш мумкин.

Шафтоли дарахти кучли ўсувчи, шох-шаббалари катта, ўртача қалинликда. Кўчати экилгандан сўнг 2-3 йили ҳосилга киради.

Мевалари ўртача, бир хил, думалоқ шаклда. Мева пўсти ўртача қалинликда, туксиз, асосий ранги оч сариқ, мева эти сариқ, ширин мазали. Мева таъми 4,2 балл бўлиб, андоза навидан устун туради. Данаги мева этидан яхши ажралади.

Ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 145 ц/га ни ташкил этади. Касаллик ва зараркунандаларга, баҳор аёзларига чидамлилиги бўйича андоза нав билан тенг, лекин қишга чидамлилиги бўйича ундан устун туради.

## **2.6. ЎРИК НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**


*(Arvenicf vylgarys L.)*

### **АК-ИСФАРАК 5 нави**

Маҳаллий нав. 1986 йилдан Фарғона вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Ҳосилдорлиги – 112,2 ц/га ни ташкил этади. Дарахтининг бўйи баланд бўлиб, шох-шаббаси думалоқ, қалин, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради.

Мевасининг шакли узунчоқ-тухумсимон, ранги оч зарғалдоқ, сал қизил ғубори бор, мевасининг ўртача вазни – 26 г. Эти ўртача сершира, ранги оч зарғалдоқ. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.



### **АРЗАМИ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 116,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 182,3 ц/га ни ташкил этади.

Меваси нотўғри ясси-думалоқ шаклли, оч зарғалдоқ рангли, ўртача вазни – 29 г. Эти сарикроқ, майин, сершира, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



### **ВЫМПЕЛ нави**

Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1975 йилдан Тошкент, 1981 йилдан Бухоро, Наманган, Навоий ва 1982 йилдан Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.В. Васильев.*

Нав ўртапишар, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида пишади, дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг, кўчати экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 170,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 193,1 ц/га ни ташкил этади.

Меваси тухумсимон, сал ботик, кам тукли, ранги сарғиш, оч-сарик, қизил ғуборли, йирик, мевасининг ўртача вазни – 23 г, эти сарғиш, зич, мазаси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.



### **БОБО РАДЖАБИ нави**

Маҳаллий нав, ўрта ўсувчи дарахти ёйик. Меваси ўртача 27-30 г, думалоқ овал шаклида, сарик, озроқ қизғиш рангда. Мева эти сувли, ширин, хидли, универсал ишлатишга мойил. Меваси таркибида қанд 22%гача, кислота 0,6%, С витамини 20 мг/% ни ташкил қилади. Қуруқ мева чиқиши 35%, ҳосилга 4-5 йили киради, июннинг ўртасида пишади. Ҳосилдорлиги 150-170 ц/га. Клястероспориоз билан кам зарарланади.



### **ГУЛИСТАН нави**


Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида

яратилган. 1993 йилдан Самарқанд, Наманган ва Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: К.В. Васильев, Л.А Протасевич.*

Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади, дарахтининг бўйи ўртача 3,8 м, шох-шаббасининг диаметри 3,2 м.

Мевасининг ўртача вазни 22-25 г, ранги сариқ бўлиб, данагидан яхши ажралади. Мазаси нордон-ширин, ўзига хос ҳиди бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Андоза Юбилейный Навоий навига қараганда 15 кун олдин пишади, ҳосилдорлиги бўйича эса ундан 19,2 центнер юқори.




### **ИСФАРАК нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Андижон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси сербарг, дарахти экилгандан сўнг еттинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 161,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 249,2 ц/га ни ташкил этади.

Меваси думалок, ранги сариқ-зарғалдоқ, сал пуштиси бор, мевасининг ўртача вазни – 31 г. Эти оч зарғалдоқ, жуда зич, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.




### **КОМСОМОЛЕЦ нави**

Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1959 йилдан Фарғона, 1973 йилдан Андижон вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: К.Ф. Костина.*

Бу нав эртапишар бўлиб, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, кенг шох-шаббали. Ҳосилга бешинчи йилда киради. Ҳосилдорлиги – 71,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 151,2 ц/га ни ташкил этади.

Меваси думалок-тухумсимон, ранги сариқ-зарғалдоқ, хира қизил ғуборли, мевасининг ўртача вазни – 46 г. Эти оч зарғалдоқ, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин, хушбўй, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.




### **КУРСАДЫК нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, 1984 йилдан Андижон вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи баланд, кенг шох-шаббали, кўчати экилгандан сўнг еттинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 90,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 177,3 ц/га ни ташкил этади.

Меваси учлироқ-тухумсимон, тукли, ранги сариқ, куёш томони қизил, ўртача вазни – 38 г. Эти тўқ сариқ, зич, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.




### **НАВРУЗ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1993 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: К.В. Васильев, Л.А. Протасевич.*

Нав ўртапишар, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи ўртача 5,4 м, шох-шаббасининг диаметри – 4,4 м.

Мевасининг шакли думалоқроқ, данагидан яхши ажралади, йирик, ўртача вазни – 36 г. Мевасининг ранги сариқ, қизил чизиқлари бор, мазаси нордон-ширин, ўзига хос ҳиди бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Андоза Юбилейный Навоий навидан ҳосилдорлик бўйича 2,8 центнер юқори. Ҳар йили мўл ҳосил бериши ва андоза навидан устунлиги сабабли бу нав экиш учун тавсия этилган.



### **РУҲИ ДЖУВАНОН МИОНА нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Бухоро, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, 1967 йилдан Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва 1973 йилдан Андижон вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ-пирамидасимон, қалинлиги ўртача, кўчати экилгандан сўнг бешинчи йилда ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 57,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 103,1 ц/га ни ташкил этади.




Мевасининг шакли думалоқ-тухумсимон, пўсти силлиқ, зарғалдоқ ранг, қизил ғуборли, ўртача вазни – 32 г. Эти оч зарғалдоқ рангли, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.

### **СОВЕТСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1974 йилдан Андижон, 1981 йилдан Бухоро, Наманган, Навоий ва Самарқанд вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: К.В. Васильев, Л.А. Протасевич.*

Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалоқ, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 146,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 165,1 ц/га ни ташкил этади. Меваси тухумсимон, ранги оч сариқ, сал тўқ қизил ғуборли, ўртача вазни – 33 г. Эти зич, сариқ, сершира, мазаси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 5,0 балл.



### **СУБХОНИ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг саккизинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 110,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 133,3 ц/га ни ташкил этади.


Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Меваси кенг тухумсимон, ранги яшил тусли, оч зарғалдоқ, оч пушти ғубори бор. Меваси йирик, ўртача вазни – 32 г. Эти тўқ сариқ, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



### **ХУРМАИ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав кечпишар бўлиб, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, кенг шох-шаббали, кўчати экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 115,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 122,2 ц/га ни ташкил этади. Меваси кенг тухумсимон, ранги оч сариқ, сал



қизил ғуборли, ўртача вазни – 30 г. Эти тўқ сариқ, зич, сершира, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,3 балл.

### **ЮБИЛЕЙНЫЙ НАВОИ нави**


Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

*Муаллифлар: К.В. Васильев, Л.А. Протасевич.*

1958 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, 1967 йилдан Бухоро, Навоий, Тошкент ва 1973 йилдан Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси думалоқ, шакл беришга мойил, кўчати экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 84,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 135,3 ц/га ни ташкил этади.

Меваси думалоқ, тилла ранг сариқ, қизил ғуборли, йирик, ўртача вазни – 42 г. Эти жуда ҳам зич, сал кувроқ, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл.



### **ЖУБЕР ФУЛОН нави**

Францияда яратилган. 1995 йилдан Наманган, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июннинг учинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси кенг, узунчоқ, ўртача қалинликда.

Мевасининг шакли япалоқ-думалоқ ёки узунчоқ, ён томонлари бир оз сариқ. Мевасининг пўсти тукли, ўртача вазни – 30-35 г. Эти сарғиш, қаттиқ, ўртача сершира, жуда хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,6 балл. Ҳосилдорлиги – 98,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 101,3 ц/га ни ташкил этади. Нав узоқ масофага ташиш учун яроқли.



## 3. УЗУМ НАВЛАРИ

(*Vitis sylvestris L.*)


### 3.1. ХЎРАКИ УЗУМ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

#### **АНДИЖАНСКИЙ ЧЕРНЫЙ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Меваси ўртапишар, хўраки-майизбоп нав, совуққа кам чидамли, новдалари ҳосил олиш учун 12-15 кўзгача кесилади. Узум боғи катта, сийрак, цилиндрсимон, ғужуми йирик, узунчоқ, конуссимон, ранги қора, куврок, зич тартибда жойлашган.

Бир бошининг вазни – 212 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,8 балл.



#### **ГУЗАЛЬ КАРА нави**

Бутуниттифок ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган.

1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, тупи баланд, ғужуми катта, меваси йирик, думалоқ. Бир шингилининг ўртача вазни – 261 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 9,2 балл, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача 147 кун ўтади.


Нав хўраки, майизбоп, меваси жуда яхши, совуққа кам чидамли. Ҳосилдорлиги – 243,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 273,6 ц/га ни ташкил этади.



#### **ДЖАНДЖАЛ КАРА нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, юқори сифатли, хўраки, майизбоп ва консервабоп. Бутаси катта бўлиб, шохининг узунлиги бўйича жойлашган куртакларидаги мева миқдори бир хил. Узум шингили йирик, тухумсимон, ранги қора. Узум шингилининг ўртача вазни – 247 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,6 балл. Ҳосилдорлиги – 231,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 281,5 ц/га ни ташкил этади.






### **КАТТА КУРГАН нави**

Маҳаллий нав. 1967 йилдан Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Узумнинг бу навидан юқори сифатли йирик майиз тайёрланади. Нав совуққа кам чидамли бўлиб, тупи катта, узум шингили йирик, тухумсимон, ранги оч яшил ранг, қуёш томони сариқ. Узум шингилининг ўртача вазни – 206 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,3 балл. Куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 167 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 58,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 92,0 ц/га ни ташкил этади.



### **ТАЙФИ РОЗОВЫЙ нави**

Саудия Арабистони нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав кечпишар бўлиб, тупи катта, кўп зангли, елпиғичсимон таралади, шўрга ва совуққа чидамли. Узум бошлари кенг конуссимон. Меваси пишиб етилганда пушти ранг, карсиллайдиган бўлади. Таъми анор мазали ва бироз тахирроқ бўлади.

Мевасининг ўртача вазни – 390 г. Ғужуми йирик, узунчоқ-цилиндрсимон, эти гўштли, сершира, қувроқ. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,8 балл, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 155 кундан иборат.

Касаллик ва совуққа ўртача чидамли. Техник пишиб етилганида октябрь ойида қандлиги 22-24% ни, кислоталилиги 4-4,5 г/л ни ташкил этади. Ташишга жуда ҳам чидамли, яхши сақланади. Консерва маҳсулотлари (маринад, мураббо, шарбат, джем) ва шароб тайёрлашда фойдаланса бўлади. Ҳосилдорлиги – 184,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 374,4 ц/га ни ташкил этади.



### **МУСКАТ АЛЕКСАНДРИЙСКИЙ нави**

Саудия Арабистонида яратилган.

1959 йилдан Тошкент, Хоразм ва 1967 йилдан Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг тупи катта, мильдью ва ун шудринг касалликлари билан кучли зарарланади. Узум бошлари ўртача ва йирик, конуссимон, шингиллари кўп, ранги оч яшил. Эти сершира, қувроқ, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 7,4 балл.


Ҳосилдорлиги – 109,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 118,7 ц/га ни ташкил этади.



### **НИМРАНГ нави**

Тожикистон маҳаллий нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг тупи катта, кўп зангли, кечпишар, бошқа маҳаллий навларга нисбатан совуққа чидамли, касалликларга бардошли эмас. Узум шингиллари катта, конус ёки цилиндрсимон. Ғужуми йирик, тухумсимон шаклда, ранги оқиш-сарик, қуёш тушган томони пушти, шингилининг ўртача вазни – 348 г. Эти гўштли, сершира, қувроқ. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 6,5 балл, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 162 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 134,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 192,0 ц/га ни ташкил этади.




### **ОКТАБРЬСКИЙ нави**

Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1959 йилдан Тошкент ва 1967 йилдан Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: А.М. Негруль, М.С. Журавлёв*

Бу нав хўраки, кечпишар бўлиб, бир йиллик новдалари тез ўсади, тупи кўп зангли. Касаллик ва зараркунандаларга бардошли, совуққа чидамли. Узум бошлари йирик, цилиндр шаклли, ўртача вазни – 310 г, ғужуми йирик, тухумсимон, ранги пушти, мумсимон ғубор билан қопланган. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 7,8 балл. Ҳосилдорлиги – 168,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 288,0 ц/га ни ташкил этади.



### **ПАРКЕНТ нави**

Маҳаллий нав. 1973 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу хўраки нав, баланд ўсади, ўта кечпишар. Бу наждан ҳар хил шароблар ва шампань шароблари тайёрланади. Совуққа ва ун шудрингга кам чидамли.

Узум шингили катта, шакли цилиндрсимон. Ғужуми йирик, думалоқ-тухумсимон, ранги тўқ қизил ёки бинафшаранг. Эти сершира, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 7,5 балл. Ўртача ҳосилдорлиги – 120-160 ц/га ни ташкил этади.



### **ПЕРЛЕТ нави**

АҚШда яратилган. 1980 йилдан Тошкент вилояти ва 1983 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав хўраки, майизбоп, уруғсиз, юқори ҳосилдор бўлиб, эртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида, қора кишмишдан 10-15 кун илгари етилади. Узум шингилининг ўртача вазни – 416 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси андоза қора кишмишдан юқори, касалликларга бардошлилиги бўйича андоза нави билан тенг. Куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 116-120 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 54,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 89,3 ц/га ни ташкил этади.




### **РАННИЙ ШРЕДЕРА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2010 йилда Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: М.М. Мирзаев.*

Янги хўраки нав. Узумнинг эркин чангланишидан, дурагай уруғларини сепишдан чиқарилган узум нави. Гули икки жинсли, боши йирик конуссимон ўртача тиғиз. Узум бошининг оғирлиги 350-400 г. Донаси йирик овал шаклда, баъзан номутаносиб, ранги қора қизил, сер ғуборли, эти қарсилдоқ.

Нав ўта эртапишар. Пишишининг бошланиши – июннинг учинчи ўн кунлигида, истеъмолга етилиши учинчи ўн кунлигида. Мевасининг таркибида қанд – 18-19%, кислота – 6-8 г/л, тупи кучли ўсувчи. 3×2,5 м, тик симбағазларда ўстирилади. Ҳосилдорлиги ўртача – 120-150 ц/га. Нав фақат хўраки сифатида фойдаланилади.



### **РИЗАМАТ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

*Муаллифлар: К.В. Смирнов, Г.В. Огиенко, А.Ф. Герасимова.*

2006 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Юқори сифатли, истеъмол ва қайта ишлаш учун мўлжалланган.

Эрта-ўртапишар нав, касалликларга бардошли. Тупи ўртача, узум шингили йирик, ўртача вазни – 350-400 г. Шингили цилиндрсимон шаклда, ранги пушти, йирик ҳамда эти қаттиқ, карсиллаш хусусиятига эга, таъм баҳоси – 5 балл. Меваси июль ойининг 20 –




кунида тўлиқ пишиб, етилади. Ҳосилдорлиги гектаридан 200-250 ц/га ни ташкил этади.

### **СУРХАК КИТАБСКИЙ нави**

Тожикистон маҳаллий нави. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав эртапишар бўлиб, совуққа чидамлилиги бўйича бошқа Ўрта Осиё навларидан фарқ қилмайди, ун шудринг билан кам зарарланади. Таъм сифати бўйича Ўрта Осиёдаги навлардан анча устун туради. Тупи ўртача, узум бошлари ўртача, шакли цилиндрсимон, зич, бош банди калта. Мевасининг ўртача вазни – 350 г. Ғужуми ўртача, тухумсимон, ранги қизил, эти гўштли ва сершира. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,7 балл, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр – 84 кундан иборат. Ҳосилдорлиги – 106,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 232,0 ц/га ни ташкил этади.




### **СУЛТАНИ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Қашқадарё, Сурхондарё, 1967 йилдан Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав ўртапишар бўлиб, асосан юқори сифатли майиз ва шароб тайёрлаш учун мўлжалланган. Туплари сўрига тортилганда ва сув билан мунтазам таъминланганда яхши ўсади. Антрокноз ва ун шудринг касалликлари билан зарарланади. Совуққа кам чидамли.

Узум бошлари ўртача ва йирик, цилиндр-конуссимон, зич. Мевасининг ўртача вазни – 235 г. Ғужуми йирик, сал тухумсимон, ранги яшилроқ-сарик, куёш тушган томони жигарранг-қўнғир бўлиб кетади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,5 балл. Эти сершира, зич қувроқ, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр – 149 кундан иборат. Ҳосилдорлиги – 83,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 100,0 ц/га ни ташкил этади.



### **ХУРМАНЫ КИЗЫЛ нави**

Маҳаллий халқ нави. 1967 йилдан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав ўртапишар бўлиб, ҳосилдорлиги юқори, совуққа ва қурғоқчиликка кам чидамли, ун шудринг билан зарарланади, мевасидан сифатли майиз олинади. Узум шингили катта, ўртача вазни – 360 г, ғужуми йирик, узунчоқ цилиндр шаклида, ранги эса тўқ қизил, бинафша тусли, эти зич, сершира. Пўсти ўрта



қалинликда. Серэт тиғиз, сершарбат, хушхўр. Узумни узиш вақтида қанд миқдори 20-22% га, кислоталилиги эса 5-6 г/л га етади. Ҳосилдорлиги – 120-160 ц/га. Тупи кучли ўсади. Ўрта кечки муддатда пишади (август охири, сентябрь).

### **ХУСАЙНЕ БЕЛЫЙ нави**

Маҳаллий халқ нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу юқори сифатли хўраки ўртапишар нав бўлиб, бошқа жойларга ташиш учун яроқли, мазаси яхши, совуққа кам чидамли, ун шудринг билан кучли зарарланади. Узум шингили катта, конуссимон, кўп шингилли, ғовак, мевасининг ўртача вазни – 371 г. Ғужуми йирик-узунчоқ, цилиндр ёки тухумсимон, эти сершира, сал қувроқ, ранги сарғиш-яшил. Пўсти юпқа, пишиқ, эти сершарбат, тиғиз, қарсиллайди, майин, жуда ширин. Тўлиқ пишганда 17-19% қанд йиғади, кислоталилиги эса 2,8-3,2 г/л ни ташкил этади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,5 балл. Ҳосилдорлиги – 96,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 121,6 ц/га ни ташкил этади.



### **ХУСАЙНЕ МУСКАТНЫЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2014 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Янги, ўрта муддатларда пишадиган хўраки майизбоп нав. Август охири ва октябрь бошида пишади. Узум боши йирик – 400-450 г. Донаси – 6-7 г. Шакли – узунчоқ, ранги – оқ яшил, таъми – ёқимли. Мева эти – тиғиз қарсилдоқ, қуритилганда мускат ҳидли яхши сифатли майиз беради. Қанд миқдори – 23%. Ҳосилдорлиги 160-180 ц/га ни ташкил этади.



### **ХУСАЙНИ КЕЛИН БАРМОҚ нави**

Ўрта Осиёдан келиб чиққан. Ўрта пишар (августнинг охири) хўраки нав. Барги йирик, овалсимон, беш бўлаккли, учи ўткир бурчакли. Гули қўшжинсли. Узум боши ўртача катталикда, цилиндрсимон, сочилувчан, оғирлиги 300-400 г. Ғужумлари чўзиқ, сал эгри ва лўнда, оқ-сарик, уч томони хиёл пушти рангда (4,5 г). Пўсти юпқа тиниқ, эти сершарбат эрувчан, таъми оддий, ширин. Қандлилиги 17-18%, кислоталилиги 4 г/л. Ҳосилдорлиги 130-150 ц/га бўлиб, тупи кучли ўсади.



## 6.2. КИШМИШБОП УЗУМ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

### **КИШМИШ БЕЛЫЙ ОВАЛЬНЫЙ нави**

Ўрта Осиёда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг тупи баланд бўлиб, меваси ўртапишар, узум шингили майда, тухумсимон, ранги сарғиш яшилдан то сариққача, майда қора нукталари бор. Нав уруғсиз бўлиб, қуритиш учун ишлатилади. Узум шингилининг ўртача вазни – 153 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 7,1 балл. Ҳосилдорлиги – 259 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 300,8 ц/га ни ташкил этади.




### **КИШМИШ ВИРА**

Бутуниттифок Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1983 йилдан Қашқадарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: М.Л. Журавлев, В.А. Арзуманов, А.И. Фролов*


Нав хўраки, майизбоп ва юқори ҳосилдор. Тупи ўртача бўлиб, меваси август ойининг охирида пишади. Узумнинг шингили йирик, уруғсиз, ўртача вазни – 268 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,9 балл. Қуртак ёйилгандан меваси пишгунгача бўлган давр – 106 кун. Ҳосилдорлиги – 52,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 69,3 ц/га ни ташкил этади.



### **КИШМИШ РОЗОВЫЙ**

Ўрта Осиёда яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, серҳосил, хўраки, совуққа чидамсиз, замбуруғли касалликларга чидамли. Узум шингили катта, цилиндр шаклида, зич, ўртача вазни эса 242 г. Меваси думалоқ ёки тухумсимон, серэт, сершира, пушти яхши пишганда қизил рангга киради. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,5 балл. Ҳосилдорлиги – 139,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 183,5 ц/га ни ташкил этади.




### **КИШМИШ ХИШРАУ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

*Муаллиф: К.В.Смирнов.*

1982 йилдан Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав ўртапишар, меваси август ойининг учинчи ўн кунлигида пишади. Асосан юқори сифатли майиз тайёрлаш, хўллигича истеъмол қилиш ва узоқ масофаларга жўнатиш учун ишлатилади. Совуққа чидамлилиги паст, ун шудринг касаллиги билан кам зарарланади.


Узум шингилининг катталиги ва зичлиги ўртача, конуссимон, данаги йўқ, ранги оқ, шингилининг ўртача вазни – 225 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 9,1 балл. Ҳосилдорлиги – 60,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 82,6 ц/га ни ташкил этади.



### **КИШМИШ ЧЕРНЫЙ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Ўрта Осиёда эртапишар навлар орасида истеъмол қилиш учун энг яхши нав ҳисобланади.

Бу навнинг тупи баланд бўлиб, новдалари йирик, тез ўсади. Касаллик ва зараркунандаларга кам чидамли, церкоспориоз ва ун шудринг билан тез зарарланади. Узум шингили катта, ўртача вазни – 172 г. Шакли цилиндр конуссимон, ғовак, баъзан зич, ранги қора, эти сершира, майин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,0 балл. Ҳосилдорлиги – 280,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 358,4 ц/га ни ташкил этади.



### **КИШМИШ БОТИР нави**

Янги йирик донали ўрта муддатларда пишиб етиладиган (август ойининг иккинчи ўн кунлигида) халқ селекцияси. Селекционер Ғ.И. Ҳайдарқулов томонидан ажратиб олинган. Ҳосилдорлиги – 160-170 ц/га. Узум боши йирик, оғирлиги 300-350 г. Йирик донали, ўртапишар нав ҳисобланади. Узум донаси оқ рангли, йирик, 3-3,5 г ёки оқ кишмиш навига қараганда 1,5-2 марта йирикроқ бўлади. Узум донасининг эт қисми қаттиқ, карсиллаган, мазаси ёқимли юқори сифатли қуриган кишмиш тайёрланади.

Август ойининг иккинчи декадасида пишиб етилади. Эти тиғиз, карсилдоқ, таъми ёқимли. Бу навдан юқори сифатли кишмиш (майиз) тайёрланади. Узумнинг таъми баҳоси 8,7 балл.



### **КИШМИШ СУҒДИЁНО нави**

Нав Ўзбекистонда келиб чиққан. Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида селекционерлар К.В. Смирнов ва Е.П. Перерилицина томонидан Победа ва Қора кишмиш навларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Ўртапишар майизбоп нав (август охири, сентябрь бошлари). Барги ўртача, юрак шаклида, беш бўлакчи, тўқ яшил рангда. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, 400-450 г ва ундан ҳам ортиқ, кўп шингилли, ўртача сочилувчан. Ғужумлари йирик тухумсимон қора рангли, мум ғубор билан қопланган (4,5 г). Пўсти юпқа, пишиқ. Этдор, хуштаъм. Қандлилик даражаси 25-26%, кислоталиги 6 г/л. Ҳосилдорлиги 180-200 ц/га, тупи кучли ўсади. Янгилигича истеъмол қилинади ва майиз тайёрланади.



### **КИШМИШ ЗАРАФШОН нави**

Ўртапишар нав (сентябрнинг боши). Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида селекционер олимлар К.М. Смирнов ва А.Ф. Герасимова томонидан Каттакўрғон ва Бедона навларини чатиштириш йўли билан чиқарилган. Барги йирик думалоқ шаклда, беш бўлакчи. Гули кўшжинсли. Узум боши ўртача йирик, цилиндр шаклида, зичлиги ўртача. Ғужумлари овалсимон шаклда, оч яшил, тўлиқ пишганда сариқ рангда (5-6 г). Пўсти юпқа, эти тигиз сершира, хуштаъм. Тўлиқ пишганда қандлиги 22-24%, кислоталиги 4 г/л. Ҳосилдорлиги 160-200 ц/га, тупи кучли ўсувчи.



### **НИЛУФАР нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2013 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Йирик мевали, уруғсиз бу нав ўрта-кечки муддатда пишиб етилади. Тупи ўрта бўйли. Барги ўртача катталиқда, думалоқ, тўқ-яшил рангда, силлик, қирралари юқорига қаратилган. Барг паррақларининг учки қисми ўткир учбурчаксимон. Барг банди асосий томирдан узунроқ, оч-яшил, яланғоч холда. Гули икки жинсли. Ғужуми конуссимон, катта (486 г), ўрта зичликда. Мева дони йирик (24×17 мм), овалсимон, ўртасидан учигача пушти рангдан тўқ-пуштигача ўзгариб торайиб боради. Пўсти тигиз. Эти гўштдор,





карсиллайдиган. Шарбати рангсиз. Меваларида уруғлар бўлмайди, баъзиларида алоҳида рудимент ҳолида учрайди. Экилганидан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги 14-15 кг/туп ёки 232-242 ц/га. Шарбатида шаккар миқдори ўртача – 25,8%, кислота миқдори – 5-6%. Таъм баҳоси янги узилганида ва қуритилганида – 9,5 балл. Меваси 115-130 кун сақланади. Нав ишлатилиши универсал.

### 6.3. ШАРОББОП УЗУМ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

#### **АЛЕАТИКО нави**

Италияда яратилган. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Юқори десерт шароб олинадиган маълум шароббоп нав.

Нав ўртапишар, касалликка бардошлиги ўртача, совуққа унча чидамли эмас, етарлича суғорилмаганда меваси майдалашади ва бужмаяди. Тупи ва шингилининг ўртача вазни – 257 г, шингилининг ранги тўқ-кўк бинафша тусли, цилиндр шаклида. Куртак ёзилишидан мева етилгунга қадар бўлган муддат 197 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 102,6 ц/га ни ташкил этади.




#### **БАЯН ШИРЕЙ нави**

Озарбайжон маҳаллий нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Кенг тарқалган, юқори ҳосилли, шароббоп нав. Ундан спиртсиз, кучли ва шампань шароблари, шарбатлар тайёрланади.

Нав кечпишар, сувсизликка ва ҳар хил касалликларга ҳам чидамли. Узум меваларидан юқори ҳосил олиш учун бу навнинг новдаларини узун кесиш керак. Узум шингилининг ўртача вазни – 143 г, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача 159 кун ўтади. Ҳосилдорлиги – 310,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 336,0 ц/га ни ташкил этади.




#### **МАГАРАЧСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1984 йилдан Бухоро вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: П.В.Михайлова.*

Нав кечпишар, Тошкент шароитида меваси сентябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Ун шудринг



билан зарарланмайди. Гули икки жинсли бўлиб, мевасидан кучли ва десерт шароблар тайёрланади. Узум шингилининг ўртача вазни – 140 г. Ғужуми ўртача, шакли думалоқ, ранги эса қора, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 158 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 354,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 448,0 ц/га ни ташкил этади.

### **КУЛЬДЖИНСКИЙ нави**

Нав Хитойда яратилган. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг тупи катта, кечпишар, қурғоқчиликка чидамли. Узум шингили катта, шакли конус ёки цилиндр-конуссимон, жуда зич. Мевасининг ўртача вазни – 356 г. Ғужуми ўртача, думалоқ ёки тухумсимон пушти рангда. Куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 142 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 169,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 213,3 ц/га ни ташкил этади.



### **МАЙСКИЙ ЧЕРНЫЙ нави**

Югославия нави. 1959 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар, тупи ўртача, ун шудринг касаллиги билан зарарланади. Тошкент вилоятида тарқалган ток зараркунандалари билан ҳам зарарланади. Узум шингилининг ўртача вазни – 145 г, шакли конус ёки цилиндрсимон, зичлиги ва ғужуми ўртача, думалоқ, ранги қора, дағал. Эти сершира, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 169 кунни ташкил этади. Ҳосилдорлиги – 208,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 254 ц/га ни ташкил этади.



### **МОРАСТЕЛЬ нави**

Испания нави. 1959 йилдан Тошкент, 1967 йилдан эса Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар, қурғоқчиликка бардош бера олмайди, совуқка чидамлилиги ўртача. Зараркунандалар ва касалликларга чидамли эмас. Тупи ва шингили ўртача, цилиндр ёки конуссимон, зичлиги ўртача, вазни – 135 г, ғужуми ўртача, шакли думалоқ, ранги эса тўқ кўк, мум ғуборли. Эти ўртача сершира, мазаси ширин, шаробсимон. Ҳосилдорлиги 60-75 ц/га ни ташкил этади.



### **МУСКАТ ВЕНГЕРСКИЙ нави**

Венгрия нави. 1959 йилдан Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, 1967 йилдан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, тупи ва узумбошлари ўртача, шакли цилиндр-конуссимон, зич ёки сийрак. Ун шудринг касаллигига чидамли эмас, совуққа чидамли, ўртача вазни – 300 г. Ғужуми ўртача думалоқ, эти гўштли, сершира, қарсиллайдиган, мазаси ширин хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 8,5 балл. Ҳосилдорлиги – 193,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 228,0 ц/га ни ташкил этади.



### **МУСКАТ РОЗОВЫЙ нави**

Франция нави. 1959 йилдан Сурхондарё, Тошкент ва 1967 йилдан Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, тупи катта, совуққа, ун шудринг касаллигига чидамли, ток барг ўровчиси билан кучли зарарланади. Узум шингили ўртача, цилиндр ёки цилиндр-конуссимон, зич, ўртача вазни – 198 г. Ғужуми ўртача, шакли думалоқ, баъзан ўзгарувчан, ранги тўқ қизил, мум ғуборли. Эти майин, сершира, хушбўй. Ҳосилдорлиги – 65,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 101,0 ц/га ни ташкил этади.




### **МУСКАТ УЗБЕКИСТАНСКИЙ нави**

Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1983 йилдан Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: М.С. Журавлев, А.М. Негруль, М.А. Тупиков.*

Бу нав ўртапишар, хўраки, юқори ҳосилдор. Узумбошлари катта, кўп шингилли, ўртача вазни – 194 г. Тупи катта, ун шудрингга ва совуққа чидамли. Ғужуми йирик, тухумсимон, ранги яшилроқ-сарик. Эти қуврок, гўштли, сершира. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 7,3 балл, ҳосилдорлиги – 69,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 121,8 ц/га ни ташкил этади.



### **РИСЛИНГ нави**

Германияда яратилган. 1959 йилдан Андижон, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, 1967 йилдан Жиззах, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу ўртапишар навдан асосан ҳар хил шароблар тайёрланади. Нав совуққа чидамли, тупи ўртачадан катта. Ун шудринг ва мильдью касалликлари билан касалланади.

Узум шингили ўртача ва майда, вазни – 149 г. Шакли цилиндр ёки цилиндр-конуссимон. Ғужуми ўртача, думалоқ, ранги оч яшил, кўкимтир ғуборли ёки сарғиш-яшил, меваси пишганда қуёш томони тилла-жигарранг. Эти сершира, мазаси нордон-ширин, оғизда эрийдиган, ўзига хос хушбўй. Ҳосилдорлиги – 224,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 290,7 ц/га ни ташкил этади.



### **РКАЦИТЕЛИ нави**

Грузия маҳаллий нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар бўлиб, туплари катта. Ҳар хил зараркунанда ва касалликларга чидамсиз. Узум шингили ўртача ёки катта, цилиндр-конуссимон, баъзан цилиндр-симон, мевасининг ўртача вазни – 94 г, ғужуми ўртача ёки йирик, тухумсимон, ранги тилласимон-сарик, эти сершира. Пўсти юпқа, пишиқ, этдор, сершарбат, мулойим, шираси рангсиз. Техник пишиб етилганда 17-19% қанд тўплайди, кислоталилиги 9-10 г/л. Замбуруғли касалликларга ўртача чидамли, шунингдек, совуққа ва қурғоқчиликка ҳам чидамли. Оддий шампан, десерт винолар тайёрланади ҳамда коньяк спирти ишлаб чиқарилади. Ҳосилдорлиги – 423,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 456,0 ц/га ни ташкил этади.



### **САПЕРАВИ нави**

Грузия маҳаллий нави. 1959 йилдан Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, 1967 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, совуққа, қурғоқчиликка ва ҳар хил касалликларга чидамли. Тупи катта, бу навдан юқори сифатли ҳар хил шароблар тайёрланади. Узум бошлари ўртача ва катта, шакли конуссимон. Ўртача вазни – 128 г. Ғужуми ўртача ёки катта, тухумсимон, ранги тўқ кўк, мум ғуборли. Эти сершира. Ҳосилдорлиги – 322,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 368,0 ц/га ни ташкил этади.



### **СОЯКИ нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, бу навдан жуда яхши шароб ва шампан шароблари тайёрланади. Тупи катта, ун шудринг касаллиги билан кам зарарланади, совуққа кам чидамли. Узум бошлари катта, конуссимон, ғужуми ўртача ва йирик, шакли ясси думалоқ, ранги оч яшил, кўп шингили. Мевасининг ўртача вазни – 475 г. Эти сершира, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр – 171 кундан иборат. Ҳосилдорлиги – 168,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 234,0 ц/га ни ташкил этади.




### **ТАРНАУ нави**

Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг ўрта Осиё бўлимида яратилган.

*Муаллифлар: А.М. Негруль, М.С. Журавлёв.*

1959 йилдан Тошкент, 1967 йилдан Самарқанд вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав кечпишар, шароббоп, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга чидамли, узум боши катта цилиндр шаклида. Мевасининг ўртача вазни – 339,5 г. Ғужуми йирик, тухумсимон, уруғсиз, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 173 кундан иборат. Ҳосилдорлиги – 401,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 491,5 ц/га ни ташкил этади.



### **ТАШКЕНТСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қибрай “Шароб” экспериментал корхонасида яратилган. 1984 йилдан бухоро вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: П.В. Михайлов.*


Бу нав ўртапишар бўлиб, меваси сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида пишади. Бу навнинг асосий афзаллиги шундаки, мевасининг шираси тўқ олчаранг бўлиб, ундан юқори сифатли шароблар тайёрланади. Совуққа чидамлилиги ва касалликларга бардошлилиги ўртача, гули икки жинсли. Узум шингили ўртача, вазни 162 г, конус шаклида. Ғужуми ўртача думалоқ, эти сершира, тўқ қизил, куртак ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 162 кундан иборат. Ҳосилдорлиги – 410,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 480,0 ц/га ни ташкил этади.



### **ХИНДОГНЫ нави**

Озарбайжон маҳаллий нави. 1959 йилдан Тошкент, 1967 йилдан Жиззах, Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, тупи катта, шароббоп. Совуққа чидамли, қурғоқчиликка бардошли. Замбуруғ касалликлари билан ўртача касалланади, ток барг ўровчиси билан кучли зарарланади. Узум бошлари катта, конуссимон, кўп шингилли, мевасининг ўртача вазни – 162 г. Ғужуми ўртача ва йирик, думалоқ, ранги қора ёки тўқ кўк, баъзан бинафшаранг. Эти сершира, хушхўр. Куртақ ёзилишидан меваси пишгунгача бўлган давр 144 кундан иборат. Ҳосилдорлиги – 161,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 230,0 ц/га ни ташкил этади.



### **БУДЕШУРИ нави**

Келиб чиқиши – Грузия. Ўртапишар (августнинг охири – сентябрнинг бошларида пишади). Барги йирик, думалоқ, бешбармоқ шаклида, ранги тўқ яшил. Гули кўшжинсли, кучли ўсувчи. Узум бошлари ўртача (240-280 г), тифиз. Ғужуми овал-чўзиқ шаклда, сарғиш яшил рангда, пўсти юпка, ўрта пишиқликда, эти сершарбат, таъми оддий. Будешури навининг ҳосилдорлиги юқори, гектаридан 220-280 ц ҳосил олиш мумкин. Касаллик ва совуққа ўртача чидамли. Техник пишиб етилганда, августнинг учинчи декадасида қанднинг миқдори 17-18%, кислоталилиги 7-8 г/л. Юқори сифатли хўраки ва шампань винолари тайёрланади.



### **КАБЕРНЕ ФРАН нави**

Ўрта-кечпишар (августнинг иккинчи ярми). Навнинг келиб чиқиши – Франция. Барги думалоқсимон, беш, баъзида уч бўлакли, асимметрик, ўнг томони кучлироқ ривожланган. Гули кўшжинсли. Узум боши кичикроқ – 120 г, туб қисми конуссимон. Ғужуми думалоқ, қора тусда, мум ғуборли. Пўсти қалин, пишиқ. Эти серсув, шарбати рангсиз. Тўлиқ пишганда қандлилик даражаси 20-22%, кислоталилиги эса 4,4-6,4 г/л гача етади. Тупи ўртача ўсади. Ҳосилдорлиги гектаридан 120-160 ц ни ташкил этади. Хўраки ва юқори сифатли десерт винолар тайёрланади.



### **РАНГДОР нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти-нинг Қибрай “Шароб” экспериментал корхонасида яратилган. 2012 йилда Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупи ўрта ўсувчи, гули икки жинсли, шингили ўртача (узуңлиги 17-20 см, кенглиги 12-15 см), кенг конуссимон, ўртача зич. Меваси ўртача 16×15 мм, думалок. Ранги қора кучли ғубор билан қопланган. Пўсти зич, гўшти сувли. Шарбати қизил-олча ранг. Мевасида 2 ёки 3 та уруғи бор. Нав экилгандан сўнг иккинчи йилдан ҳосилга киради. Ҳосилга киргач бир тупда 100-130 куртак қолдирилади. Ҳосилдорлик йиллар давомида кам ўзгаради (бир тупда 8-11 кг). Ўртача ҳосилдорлик 1 га дан 220 ц/га ташкил этади.



## 4. СУБТРОПИК МЕВАЛАР

### 4.1. АНОР НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Punica granatum*)

#### **АЧИҚ-ДОНА нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, вилоятлари, 1967 йилдан Сирдарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг бутаси ўртачадан катгарок, кўчати экилгандан сўнг иккинчи-учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Унумдор соз тупроқли ерларда мўл ҳосил олиш мумкин, шўр ерларга чидамсиз, совуққа чидамли.

Меваси йирик, сал думалоқ, мазаси нордон-ширин, пўстининг ранги оч пуштидан тортиб тўқ қизилгача. Шарбати тўқ қизил, хушбўй. Меваси октябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,9 балл, ўртача вазни – 220 г. Ҳосилдорлиги – 67,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 76,7 ц/га ни ташкил этади.



#### **ДЕСЕРТНЫЙ нави**

Жанубий Ўзбекистон мевачилик-узумчилик станциясида яратилган. 1986 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав совуққа ва қурғоқчиликка чидамли, зараркунанда ва касалликлар билан кам зарарланади, меваси октябрнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Пўсти қизил, мевасининг ўртача вазни – 350 г. Бу навнинг энг яхши фазилати шундаки, унинг данаги юмшоқ ва майда. Шарбатининг ранги тўқ қизил, мазаси нордон-ширин. Шарбат миқдори юқори – 5,7%, шарбатида 17,2% қанд бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл. Ҳосилдорлиги – 88,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 103,3 ц/га ни ташкил этади.



#### **КАЗАКЕ-АНАР нави**

Маҳаллий нав. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Хоразм вилоятлари, 1967 йилдан Сирдарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Навнинг бутаси ўртача бўлиб, шох-шаббаси думалоқ, экилгандан сўнг



иккинчи йили ҳосилга киради. Яхши структурали чуқур унумдор тупроқларда жуда юқори ҳосил беради. Шўрга ва совуққа чидамсиз, касаллик ва зараркунандаларга эса чидамли.

Меваси ўртача катталиқда, кўкиш-сарик рангли. Мевасининг шарбати малина тусида товланиб турадиган тўқ қизил рангли, мазаси нордон-ширин, жуда мазали. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Ҳосилдорлиги – 92,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 150,8 ц/га ни ташкил этади.



### **КЗЫЛ УЛУЧШЕННЫЙ нави**

Нав Ўзбекистон халқи селекцияси натижасида яратилган. 1981 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг бутаси ўртача, меваси октябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Меваси шарсимон, ҳажми – 150-400 г гача катталиқда бўлиб, мевасининг ўртача вазни 210 г. Шарбати олча рангли, мазаси нордон-ширин, хушбўй. Шарбати таркибида 15% қанд, 1,05% кислота мавжуд. Меваси узоқ масофаларга яхши ташилади ва 3-4 ой сақланади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Ҳосилдорлиги – 52 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 82,7 ц/га ни ташкил этади.



## **4.2. ХУРМО НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ** (*Diospyros lotus*)

### **ЗЕНДЖИ-МАРУ нави**

Японияда яратилган. 1959 йилдан Сурхондарё, 1967 йилдан Наманган вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Хурмо дарахтининг бўйи ўртача, шохшаббаси шарсимон, қалин, кўчати экилгандан сўнг 3-4 йили ҳосилга киради.

Меваси майда ва ўртача бўлиб, октябр ойининг учинчи ўн кунлигида пишади, мевасининг ўртача вазни – 91 г. Мевасининг шакли думалоқ ёки думалоқ-узунчоқ. Эти тўқ жигарранг, мазаси ширин, яхши етилганда сершира бўлади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.



Ҳосилдорлиги – 194,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 338,0 ц/га ни ташкил этади.

### **ТАДЖИКСКИЙ нави**

Тожикистон ерчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1991 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав кечпишар бўлиб, меваси октябрнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахнинг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалоқ. Меваси йирик, бир хил катталиқда, ясси, пўсти қалин, зич, силлик, ялтироқ. Мевасининг ўртача вазни – 156 г, ранги тилларанг-сарик, эти сарик, сершира, мазаси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,3 балл. Ҳосилдорлиги – 203,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 333,5 ц/га ни ташкил этади.



### **ТАМОПАН БОЛЬШОЙ нави**

Японияда яратилган. 1973 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Хурмо дарахнинг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг ҳосилга учинчи-тўртинчи йили киради. Меваси ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида пишади, йирик, ясси-думалоқ, ўртача вазни – 252 г, эти сертола, сершира. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,4 балл. Ҳосилдорлиги – 43,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 68 ц/га ни ташкил этади.



### **ХИАКУМЕ нави**

Японияда яратилган. 1959 йилдан Сурхондарё, 1967 йилдан Наманган вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Хурмо дарахнинг бўйи баланд, шох-шаббаси қалин, гумбазсимон. Меваси думалоқ, уч томони узунчоқ, ноябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади, ўртача вазни – 161 г. Эти оч қизил-сарик, сертола. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 1,5 балл. Ҳосилдорлиги – 278,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 480,0 ц/га ни ташкил этади.




### 4.3. АНЖИР НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Ficus carica L.*)

#### УЗБЕКСКИЙ ЖЕЛТЫЙ нави

Нав Ўзбекистон халқи селекцияси натижасида яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Анжир дарахтининг бўйи ўртача бўлиб, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди, шох-шаббаси думалоқ, тарқоқ. Нав совуққа чидамсиз, зараркунанда ва касалликлар билан зарарланади. Анжир меваси йирик, августнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Мевасининг ўртача вазни – 33 г. Эти оқ-пушти, сершира, майин, мазаси ширин, хушбўй. Ҳосилдорлиги – 68,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 84,5 ц/га ни ташкил этади.



#### КАДОТА нави

Нав чет элники. 1959 йилдан Андижон, Бухоро, Наманган, Навоий, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, 1967 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Анжир дарахтининг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалоқ, қалин, тарқоқ, кўчати экилгандан сўнг иккинчи-учинчи йили ҳосилга киради. Нав совуққа, зараркунанда ва касалликларга унчалик чидамли эмас. Нав хўраки ва қоқибоп.

Меваси август ойининг учинчи ўн кунлигида пишади, анжир меваси ўртача, вазни – 20 г. Ранги тилласимон-сарик. Эти оч сарғиш, майин, сершира, асалдек ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,1 балл. Оддий шароитда хўл меваси кўпи билан 2-3 кун сақланади. Ҳосилдорлиги – 15,9 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 23,4 ц/га ни ташкил этади.

#### ҚОРА АНЖИР нави

Нав Ўзбекистон халқи селекцияси натижасида яратилган. Дарахтнинг бўйи ўртача, шох-шаббаси думалоқ, қалин, тарқоқ, кўчати экилгандан сўнг иккинчи-учинчи йили ҳосилга киради. Нав совуққа, зараркунанда ва касалликларга чидамли. Нав хўраки ва қоқибоп.

Меваси августнинг учинчи ўн кунлигида пишади, анжир меваси ўртача, вазни эса 20-30 г. Ранги қорамтир-тўқ қизил. Эти тўқ-қизил сарғиш, майин, сершира, асалдек ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,5 балл. Оддий шароитда хўл меваси кўпи билан 3-7 кун сақланади.



### **КРЫМСКИЙ 29 нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1982 йилдан Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав қоқибоп, қоқисида – 42%, ҳўл мевасида – 28,7% қанд мавжуд. Анжир меваси унчалик йирик эмас, ўртача вазни – 28-30 г. Кўчати экилгандан сўнг меваси августнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Мевасининг шакли думалоқ-ноксимон, ранги оч сариқ. Эти қизил, майин, мазаси ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,0 балл. Ҳосилдорлиги – 32,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 51,2 ц/га ни ташкил этади.

## 5. ЁНҒОҚ МЕВАЛАР

### 5.1. БОДОМ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Amigdalus L*)

#### **БУМАЖНОСКОРЛУПЫЙ нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1967 йилдан Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.А. Рихтер.*

Бодом дарахтининг бўйи ўртача, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Совуққа чидамлилиги ўртача, қурғоқчиликка бардошлилиги юқори, зараркунанда ва касалликлар билан зарарланиши ўртача. Меваси кенг тухумсимон, ёнғоғи ўртача, мағизи кичкина, ранги оч жигар ранг. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,3 балл.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, беш йиллик дарахт 1,7 кг, ўн йиллик дарахт 3,0 кг ҳосил берган.

#### **ПЕРВЕНЕЦ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида яратилган. 1967 йилдан Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва 1982 йилдан Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С. Калмыков.*

Бодом дарахтининг бўйи паст бўлиб, шох-шаббаси думалок, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради, меваси сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пишади, ёнғоғи йирик, ўртача вазни – 2 г.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, 9-10 йиллик дарахтдан 2,0-2,5 кг ҳосил олинган.

#### **ТУРКМЕНСКИЙ СВЕТЛЫЙ нави**

САФВНИИРнинг Туркменистон тажриба станциясида яратилган. 1974 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: О.Ф. Мизгиреев*

Бодом дарахтининг бўйи ўртача бўлиб, кўчати экилгандан сўнг учинчи-тўртинчи йили ҳосил бера бошлайди. Меваси сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида пишади. Меваси йирик, ўртача вазни – 1,4 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл. Ҳосилдорлиги – 13,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 17,8 ц/га ни ташкил этади.

### **УГАМСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида яратилган. 1982 йилдан Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С. Калмыков.*

Бу нав кеч гуллайди, дарахтининг бўйи эса баланд, шох-шаббаси супургисимон. Меваси август ойининг иккинчи ўн кунлигида пишади. Меваси бир хил шаклда, ўртача вазни – 2,9 г. Пўстлоғи юпқа, мағизи ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,2 балл.

### **ЯЛТИНСКИЙ нави**

Никитин Давлат ботаника боғида яратилган. 1967 йилдан Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.А. Рихтер.*

Бу нав кеч гуллайди, баҳорги совуқдан зарарланмайди. Бодом дарахтининг бўйи ўртача бўлиб, кўчати экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси узунчоқ, ранги яшил, пўстлоғи юпқа, силлиқ, мевасининг ўртача вазни – 3,9 г.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, тўрт йиллик дарахт 7 кг, саккиз йиллик дарахт 10 кг ҳосил берган.

### **МАЛИКА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган истиқболли нав.

Дарахти ўрта бўйли, шох-шаббаси юмалоқ. Меваси йирик (2,02 г), номутаносиб, сал қиррали, тепа томони сал чўзилган, асоси юмалоқлашган. Пўсти юпқа, овалли. Ғадир-будур, юмшоқ, оч кўнғир, эти оқ, ширин. Ҳиди кучли. 3-4 йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги дарахтдан ўртача 1,65 кг. Истеъмол қилишга ва техник йўналишдаги нав.



## **5.2. ЁНҒОҚ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

*(Juglans L.)*

### **БОСТАНДЫКСКИЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1967 йилдан Сирдарё вилоятидан ташқари ҳамма вилоятлар бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С. Калмыков.*

Ёнғоқ дарахтининг бўйи баланд, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Ёнғоғи йирик, кенг тухумсимон. Бу нав совуққа ва ҳар хил касалликларга бардошлилиги билан бошқа навлардан ажралиб туради.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, 15 йиллик дарахтдан 7,5 кг, саккиз йиллик дарахтдан 10 кг ҳосил териб олинган.

### **ИДЕАЛ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида яратилган. 1967 йилдан Сирдарё вилоятидан ташқари ҳамма вилоятлар бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С. Калмыков.*

Ёнғоқ дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг тухумсимон. Кўчати экилгандан сўнг ҳосилга жуда эрта киради, биринчи йили ҳосил бера бошлайди. Ёнғоқнинг шакли яссидумалоқ, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, саккиз йиллик дарахтдан 3,3 кг, ўн йиллик дарахтдан 12-13 кг ҳосил териб олинган.



### **ТОНКОСКОРЛУПЫЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида яратилган. 1967 йилдан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С. Калмыков.*

Ёнғоқ дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг шарсимон шаклда, мағизи ширин, серёғ. Меваси кенг тухумсимон, оч яшил, вазни ўртача бўлиб, кўчати экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосил бера бошлайди.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, саккиз йиллик дарахтдан 3,3 кг, ўн йиллик дарахтдан 12-13 кг ҳосил териб олинган.

### **ЮБИЛЕЙНЫЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида яратилган. 1973 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С. Калмыков.*

Ёнғоқ дарахтининг бўйи баланд бўлиб, меваси ясси думалоқ, оч яшил рангда. Ёнғоғи йирик, ўртача вазни – 12,3 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл. Мағизи ширин, ёғли, пўстлоғи осон ажралади.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясидан олинган маълумотларга кўра, 11 йиллик дарахтдан 28,6 кг ҳосил олинган.


### 5.3. ФУНДУК НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

*(Corvlus avellana L.)*

#### **ДАЛЕР нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида яратилган. 2011 йилда Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Дарахти ўрта бўйли, тор пирамидал шаклда ўртача шох шаббали. Меваси йирик (2,2-2,8 г.) цилиндр шаклда, тухумсимон, узунчоқ, оч жигарранг ёнғоқни ярмигача кулранг тукли. Мағизи оч жигарранг, ширин ўртача ҳидли. Ҳосилга 3-4 йилда киради. Ўртача ҳосилдорлиги дарахтдан 9,5 кг. Нав озикабоп техник йўналишда.



### 5.4. ЧИЛОН ЖИЙДА НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

*(Ziziphus jujuba)*

#### **ТА-ЯН-ЦЗАО нави**

Хитойда яратилган. 1967 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Чилон жийда дарахтининг бўйи баланд, меваси сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Меваси йирик, шакли узунчоқ, ноксимон ёки кенг тухумсимон, ўртача вазни – 10 г. Эти сариқ, яшил тусли, пишганда зичроқ. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,3 балл. Ҳосилдорлиги – 88,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 136,5 ц/га ни ташкил этади.





### **У-СИН-ХУН нави**

Хитойда яратилган. 1973 йилдан Республика буйича Давлат реестрига киритилган.

Чилон жийда дарахтининг буйи баланд, кўчати экилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради. Меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Эти яшил-симон оқ, ғовакрок, мазаси ширин, ўртача вазни – 6,0 г. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,3 балл. Ҳосилдорлиги – 131,7 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 211,5 ц/га ни ташкил этади.



## 6. РЕЗАВОР МЕВАЛАР


### 6.1. ҚУЛУПНАЙ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

(*Fragaria L.*)

#### **МУТО нави**

Францияда яратилган. 1973 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав бутасининг бўйи баланд бўлиб, сербарг, ўртача тарқоқ. Меваси йирик, нотекис, конуссимон, ранги оч қизил, учи яшил, меваси май ойининг иккинчи ўн кунлигида пишади. Қулупнай мевасининг ўртача вазни – 14,7 г. Мева тугиш даври 25-27 кунга чўзилади. Эти оч пушти, ғовак, мазаси кучсиз хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 4,0 балл. Нав хўраки, лекин шарбат, мураббо учун ва бошқа жойларга ташишга ҳам яроқли, совуққа чидамлилиги ўртача. Ҳосилдорлиги – 7,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 41,9 ц/га ни ташкил этади.



#### **ТАШКЕНТСКАЯ нави**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: А.С. Татаурова.*

Бу нав тупининг бўйи баланд, тарқоқ, сербарг, кўп бачки чиқаради. Меваси йирик, тарқоқ-конуссимон, сал ялтироқ, ранги оч қизил, мевасининг ўртача вазни – 5,7 г. Меваси май ойининг иккинчи ўн кунлигида пишади. Эти оч қизил, майин, сершира, мазаси нордон-ширин. Қулупнай меваси уч ҳафтагача терилади, мавсум охирида меваси анча майдалашади. Нав ун шудринг билан касалланмайди. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,0 балл. Ҳосилдорлиги – 9,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 13,7 ц/га ни ташкил этади.



#### **ЗЕНГА-ЗЕНГАНА нави**

Германияда яратилган. 1973 йилдан Давлат реестрига киритилган.

Қулупнай меваси майнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Мева тугиш даври 20-25 кунга чўзилади, шу даврда ҳосил 6-8 марта терилади. Бу навнинг ҳосилдорлиги биринчи-иккинчи йилларда жуда юқори бўлади, кейинги йиллардан бошлаб аста-секин пасаяди. Озиқланиш режими юқори бўлганда мўл ҳосил беради. Бу навнинг бутаси баланд, ихчам, сербарг. Қулупнай мевасининг шакли кесик конуссимон, биринчи теримдагилари йирик, ранги тўқ қизил. Эти


тўқ қизил, хушбўй, зич, мазаси нордон-ширин. Нав мураббо, шарбат тайёрлаш, бошқа жойларга ташиш ва пишган вақтида истеъмол қилиш учун яроқли. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,2 балл. Ҳосилдорлиги – 16,4 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 25,9 ц/га ни ташкил этади.

### **УЗБЕКИСТАНСКАЯ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу нав тупининг бўйи баланд, тарқоқ, ўртача сербарг, меваси йирик, ўртача вазни – 12,7 г. Меваси майнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Мевасини териб олиш даври 25-30 кунга чўзилади.

Нав хўраки, дастлабки мевалари кенг конуссимон, қиррали, кейингилари эса думалоқ-конуссимон. Ранги тўқ қизил, эти оч қизил, майин, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 3,9 балл. Ҳосилдорлиги – 48,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 52,7 ц/га ни ташкил этади.



### **ЎЗБЕКИСТОН ГЎЗАЛИ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 2015 йилда киритилган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ҳудудларида экиш учун тавсия этилган.

*Муаллифлар: Р.М. Абдуллаев, С.И. Ягудина, Х.Р. Абдуллаева.*

Ҳосилдорлиги 150-200 ц/га, бир тупдаги ҳосил вазни 350-500 г, бир дона мева вазни 8-10 г, навнинг афзаллиги – эртапишар ва серҳосил. Тупи йирик, ўртача ёйиқ. Нав чиллаки бўлиб, апрель ойининг охиридан пиша бошлайди. Мева пишиш даври 25-30 кун. Меваси тўқ қизил хушбўй ҳидга эга. Таркибида қанд моддаси 12% гача, С витамини 60-80 мг/%. Бу нав эртапишарлиги билан ажралиб туради.



### **КУЛЬВЕР нави**

АҚШда яратилган. 1959 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг меваси майнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Мева тугиш даври – 24-31 кунга чўзилади, шу давр ичида 8-10 маротаба ҳосил териб олинади. Қулупнай бутасининг баландлиги ўртача, тупи ихчам, сербарг, совуққа чидамли. Меваси йирик, узунчоқ-конуссимон, ранги қизил. Эти пушти-қизил, мазаси нордон-ширин, сал хушбўй. Нав қайта ишлашга ва бошқа

жойларга ташишга яроқли. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,1 балл. Ҳосилдорлиги – 49,3 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 65,9 ц/га ни ташкил этади.

### **ПАМЯТЬ ШРЕДЕРА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган истиқболли эртапишар нав.

*Муаллифлар: С.И. Ягудина, В.В. Кузнецов.*

Ўсимлик бўйи – 0,5-5 см. Тупи йирик, ихчам, барг ёзиши яхши. Гули икки жинсли, гулбанди ёйилган. Мевалари жуда йирик, ўртача вазни 10-12 г, бир тупдаги ҳосил вазни – 0,4-0,5 кг. Дастлабки мевалари кенг қобирғали, кейингилари юмалоқ-конус-симон. Меваларининг эти оловранг, нордон-ширин мазали, хушбўй. Бир текис ҳосил беради. Терим даври – 20 кун. Меваси совуққа, кулранг чириш касалига чидамли. Ҳосилдорлиги – 150-200 ц/га ни ташкил этади.



### **БАУНТИФУЛ нави**

АҚШ нави, апрелнинг учинчи декадасида пиша бошлайди. Меваси ним пушти, сувли ва хиди озгина хушбўй. Таркибида қанд моддаси 10% гача, С витамини 48,9 мг/%. Нав жуда серҳосил бўлиб, гектаридан 180-220 ц гача ҳосил беради.

### **РЕДГОУНТЛЕТ нави**

Англия нави, апрелнинг охири майнинг бошида пишади. Меваси қизил рангда, нордон-ширин. Таркибида қанд моддаси 10,4% гача, С витамини 50,6 мг/%. Гектаридан 180-220 ц гача ҳосил беради.

### **КОБРА нави**

Германия нави, кечпишар. Мевалари жуда йирик – 45 г, ўртача вазни 8-10 г ни ташкил этади. Меваси оч қизил рангда бўлиб, нордон-ширин. Қурғоқчиликка чидамли нав. Майнинг иккинчи декадасида пишиб етилади. Транспортда ташишга мойил. Таркибида қанд моддаси 15,4% гача, С витамини 50,6 мг/%. Гектаридан 80-100 ц гача ҳосил беради.

### **МЕДВЕЙ нави**

АҚШ нави, май ойида пиша бошлайди. Меваси қизил малина рангда, ширин, озгина хушбўй хидга эга. Мевасининг ўртача вазни 12 г ни ташкил этади. Таркибида қанд моддаси 10,8% гача, С витамини 54,6 мг/%. Гектаридан 210 ц гача ҳосил беради.

## 6.2. ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИНИНГ ТАСНИФИ (*Ribes aureum* Parsh)

### **ПЛОТНОМЯСАЯ** нави

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: С.И. Ягудина, В.В. Кузнецов.*

Бу нав тупининг бўйи баланд, тарқоқ. Меваси июннинг учинчи ўн кунлигида пишади. Мевасини териб олиш даври 25-30 кун. Мевасининг шакли думалок, тўқ бинафша рангли. Шингили зич, 7-8 та мева-дан иборат, қорағат шингилининг узунлиги – 5 см. Эти яшил, зич ва қувроқ. Мевасининг ўртача вазни 1,7 г бўлиб, экилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.



### **УЗБЕКИСТАНСКАЯ КРУПНОПЛОДНАЯ** нави

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 1959 йилдан Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, 1967 йилдан Бухоро, Жиззах, 1973 йилдан Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллиф: С.И. Ягудина.*

Бу навнинг бутаси баланд, тарқоқ, кўчати экилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради. Меваси думалок, эти сариқ, сершира, мазаси нордон-ширин, бошқа жойларга ташиш учун яроқли. Туплари якка ўтказилганда ҳам ҳосил беради. Асаларилар ёрдамида ва яқинига “Узбекистанская сладкая” ва “Плотномьяса” навлари ўтказилганда мева тугиши кўпаяди. Тупи бир жойда ўн йилдан узоқроқ вақт ўсиши мумкин. Қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамли. Мевасининг ўртача вазни – 2,1 дан 2,4 г гача. Меваси июннинг биринчи ўн кунлигида пишади.



### **ИРОДА** нави

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2009 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Р.М. Абдуллаев, С.И. Ягудина.*

Тупи кучли ўсувчи, кучсиз ёйиқ. Меваси қора думалок овал шаклида, ўртача массаси – 2,1 г, йириги – 6 г, бир пайтда пишади (15-25/VI).




Меваси таркибида қанд моддаси 12,2% ни, кислота 1,3% ни, С витамини 69,5 мг/% ни ташкил этади, нордон ширин, универсал ишлатишга мойил. Ҳосилдорлиги – 120 ц/га. Иссиқ ва қурғоқчиликка чидамли, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмайди.

### **СИЮМА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2009 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Р.М. Абдуллаев, С.И. Ягудина.*

Ўсув даври – 215-220 кун, ўсимлик бўйи – 2,5-3 м, эртапишар нав. Тупи кучли, ярим ёйик бўлиб ўсади. Банди ўртача узунликда, яшил. Гуллари йирик, лимон-сарик рангда. Мевалари қора, думалок. Шингилида тўрт-олтита мева жойлашади. Дастлабки мевалари жуда йирик – 6 г гача. Нав эртапишар – июнь ойи бошида етилади. Таъми ширин. Экилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради. Ҳар бир тупидан ўртача 5-6 кг дан ҳосил олинади. Бир дона мева вазни – 2,1 г. Ҳосилдорлиги – 120-130 ц/га.



### **РУХШОНА нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2014 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

*Муаллифлар: Р.М. Абдуллаев, С.И. Ягудина.*

Ўсув даври – 210-230 кун, ўсимлик бўйи – 2,5-3 м. Навнинг тупи ўртача ихчам. Гуллари йирик, лимон-сарик рангда. Меваси юмалок-чўзиқроқ, қора рангда. Шингилида тўрт-олтита мева бўлади. Дастлабки мевалари йирик – 4-5 г гача, мевасининг ўртача оғирлиги – 1,6 г. Мевасининг эти сарик, серсув. Пўсти юпка. Нав ўз-ўзидан чангланади. Таъми нордон-ширин. Экилгандан сўнг иккинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги юқори, ҳар бир тупдан 7,4 кг гача мева беради. Ҳосилдорлиги – 120-140 ц/га.



### **ОЛТИНОЙ нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Эрта пишар нав.

*Муаллифлар: Р.М. Абдуллаев, С.И. Ягудина*

Ўсув даври – 215-240 кун, ўсимлик бўйи – 2-2,5 м. Тупи ўртача кучли, ғуж, тўғри ўсади. Гуллари ўртача-лимон-сарик рангда. Мева банди



қисқа бўлиб, бир бандда 6-10 тагача мева бўлади. Мевасининг ўртача оғирлиги 0,6 г, энг йириги 2 г. Нав ўзини ўзи чанглайди. Меваси эртаки бўлиб, майнинг учинчи ўн кунлигидан пиша бошлайди. Мева пишиш даври 16-20 кун. Меваси бир марта териб олинади. Меваси ширин-лимон ҳидли. Таркибида қанд моддаси миқдори 12% гача, кислота 0,6%, С витамини 65-80 мг/% гача ҳамда каротин моддаси 5% гача. Навнинг таъм баҳоси – 4,8 балл. Мевасидан шарбат, мураббо, жем тайёрланади. Бир тупдаги ҳосил вазни – 6-7 кг. Ҳосилдорлиги 100-120 ц/га.

### **ДЎСТЛИК нави**

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Эртапишар нав.

*Муаллифлар: Р.М. Абдуллаев, Х.М. Абдуллаева.*

Ўсув даври – 215-240 кун, ўсимлик бўйи – 2-2,5 м. Тупи ўртача кучли, ғуж, тўғри ўсади. Гуллари ўртача, лимон-сарик рангда. Мева банди қисқа бўлиб, бир бандда 6-10 тагача мева тугади. Мевасининг ўртача оғирлиги 0,6 г, энг йириги 2 г. Нав ўзини ўзи чанглайди. Меваси эртаки бўлиб, майнинг учинчи ўн кунлигидан пиша бошлайди. Мева пишиш даври 16-20 кун. Меваси бир марта териб олинади. Меваси ширин-лимон ҳидли. Таркибида қанд моддаси миқдори 12% гача, кислота 0,6%, С витамини 65-80 мг/% гача ҳамда каротин моддаси 5% гача. Навнинг таъм баҳоси – 4,8 балл. Мевасидан шарбат, мураббо, жем тайёрланади. Бир тупдаги ҳосил вазни – 6-7 кг. Ҳосилдорлиги 100-120 ц/га.

## 7. ЦИТРУС МЕВАЛАР


### 7.1. ЛИМОН НАВИНИНГ ТАСНИФИ

#### **МЕЙЕР нави**

Хитойда яратилган бўлиб, Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 2015 йилда киритилган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ҳудудларида экиш учун тавсия этилган.

Навнинг ўсув даври 220-240 кун, ўсимлик бўйи 2-2,5 м, ҳосилдорлиги 200-250 ц/га, бир тупдаги ҳосил вазни 22-25 кг, бир дона мева вазни 80-100 г. Навнинг афзаллиги – тез ҳосилга киради ва ҳосилдор.

**Мейер** нави лимон билан апельсинни чаштиришдан олинган табиий дурагай ҳисобланади. Нав кучсиз ўсувчи дарахт бўлиб, бироз тиканчалар билан қопланган ёки тикансиз. 2-3 йили ҳосилга киради. Мевалари октябрь ойида пишади.



Мевалари турли шаклда бўлиб, овалсимон, юмалоқ ёки ноксимон, ўртача ёки йирик ўлчамда. Мевалари узоқ муддат сақланмайди. Ҳар йили мўл ҳосил беради. Энг қимматли шифобахш ва тетиклантирувчи мева ҳисобланади. Унинг таркибида 2% га яқин шакар, 6-8% турли кислоталар (асосан лимон кислотаси), 1% дан кўпроқ пектин моддалар, 0,5% га яқин ҳар хил минерал тузлар, 60-90 мг/% С витамини, маълум миқдорда А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> ва РР витаминлари мавжуд. Лимон узоқ сақланганда ва қайта ишланганда ҳам таркибидаги витаминлар яхши сақланади, бу унинг қимматли хусусиятидир.

### 7.2. АПЕЛЬСИН НАВИНИНГ ТАСНИФИ

#### **ГАМЛИН нави**

Италияда яратилган бўлиб, Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 2015 йилда киритилган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ҳудудларида экиш учун тавсия этилган.

Навнинг ўсув даври 220-240 кун, ўсимлик бўйи 2-2,5 м, ҳосилдорлиги 190 ц/га, бир тупдаги ҳосил вазни 14 кг, бир дона мева вазни 100-130 г. Навнинг афзаллиги – тез ҳосилга киради ва ҳосилдор.

**Гамлин** нав ўрта ўсувчи шох-шаббали ёйиқ дарахт. Новдалари турли катталиқдаги тиканларга эга. 3-4 йилда ҳосилга киради.

Мевалари ўртача ва йирик бўлиб, юмалоқ-узунчоқ шаклда. Унинг таркибида 6-10% га яқин шакар, 1,0-1,4% турли кислоталар, 1% пектин моддалар, 60-100 мг/% С витамини, маълум миқдорда А,





B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub> ва PP витаминлари мавжуд. Ҳар йили мўл ҳосил беради, мевалари октябрь-ноябрь ойларида пишади.

### 7.3. МАНДАРИН НАВИНИНГ ТАСНИФИ

#### **КЛИМИНТИН нави**

Италияда яратилган бўлиб, Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 2015 йилда киритилган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ҳудудларида экиш учун тавсия этилган.

Навнинг ўсув даври 220-240 кун, ўсимлик бўйи 2-2,5 м, ҳосилдорлиги 130-150 ц/га, бир тупдаги ҳосил вазни 10 кг, бир дона мева вазни 80-100 г. Навнинг афзаллиги – тез ҳосилга киради ва ҳосилдор.

**Климинтин** нави шох-шаббаси қалин катта бўлмаган дарахтчадир. Новдалари тикансиз. 2-3 йилда ҳосилга киради. Меваси шарсимон шаклда, пўсти юпқа, силлиқ ёки бироз ғадир-будур, қизил-тўқ сариқ рангда.



Ҳар йили мўл ҳосил беради. Мевалари ноябрь-декабрь ойларида пишади.

Цитрус ўсимликлари орасида мевалари десерт сифатида жуда машҳур бўлиб, асосан янгилигида истеъмол қилинади. Мандарин меваси таркибида 7-8% гача шакар, 0,8-1,0% турли кислоталар, 0,6-0,7% пектин моддалар, 30-60 мг/% С витамини, маълум миқдорда А, В<sub>1</sub> ва PP витаминлари мавжуд.

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА ЭКИШГА  
ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН МЕВА-УЗУМ НАВЛАРИ**

№	Навларнинг номи	Экишга тавсия этилган вилоятлар
<b>ОЛМА НАВЛАРИ</b>		
1.	Афрасиаби	Андижон, Самарқанд, Сурхандарё
2.	Боровинка Ташкентская	Ҳамма вилоятлар
3.	Вайнсеп	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Тошкент
4.	Голден Граймз	Хоразмдан бошқа ҳамма вилоятлар
5.	Голден Делишес	Ҳамма вилоятлар
6.	Делишес	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона
7.	Джонатан	Ҳамма вилоятлар
8.	Камола	Ҳамма вилоятлар
9.	Корей	Самарқанд, Тошкент
10.	Кид Оранж Ред	Сурхондарё
11.	Қизил тарам олма	Ҳамма вилоятлар
12.	Гўзал	Ҳамма вилоятлар
13.	Мантет	Ҳамма вилоятлар
14.	Ойдин	Ҳамма вилоятлар
15.	Пармен зимний Золотой	Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона
16.	Первенец Самарқанда	Ҳамма вилоятлар
17.	Ренет Симиренко	Ҳамма вилоятлар
18.	Розмарин белый	Ҳамма вилоятлар
19.	Рубиновое Дуки	Бухоро
20.	Саратони	Ҳамма вилоятлар
21.	Скарлет (Стейморед)	Бухоро
22.	Старкримсон	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро
23.	Фарангиз	Ҳамма вилоятлар
24.	Феруза	Ҳамма вилоятлар
25.	Ҳосилдор	Ҳамма вилоятлар
26.	Чолпон	Тошкент
<b>НОК НАВЛАРИ</b>		
1.	Вильямс	Ҳамма вилоятлар
2.	Зимняя нашваты 2	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм
3.	Куляля 2	Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм
4.	Лесная Красавица	Ҳамма вилоятлар
5.	Любимица Клаппа	Ҳамма вилоятлар
6.	Левовассер	Қашқадарё
7.	Мраморная Россошанск	Тошкент
8.	Оливье де Серр	Ҳамма вилоятлар
9.	Подарок	Ҳамма вилоятлар
10.	Рано	Наманган
11.	Рояль зимняя	Тошкент, Фарғона
12.	Сары Гузаль	Бухоро, Тошкент, Фарғона
13.	Салом 2	Бухоро, Тошкент, Фарғона

№	Навларнинг номи	Экишга тавсия этилган вилоятлар
14.	Стар Кримсон	Тошкент
15.	Талгарская красавица	Тошкент
16.	Эльсари	Тошкент
17.	Юбилейная	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро
<b>БЕҲИ НАВЛАРИ</b>		
1.	Ароматная	Қашқадарё
2.	Изобильная	Ҳамма вилоятлар
3.	Крымская ароматная	Хоразм
4.	Мушки беги	Ҳамма вилоятлар
5.	Отличница	Фарғона
6.	Совхозная	Жиззах, Сирдарё, Тошкент
7.	Самарқандская крупноплодная	Ҳамма вилоятлар
<b>ОЛХҲРИ НАВЛАРИ</b>		
1.	Бертон	Ҳамма вилоятлар
2.	Венгерка домашняя	Тошкент
3.	Венгерка фиолетовая	Ҳамма вилоятлар
4.	Вашингтон	Самарқанд
5.	Исполинская	Ҳамма вилоятлар
6.	Киргизская превосходная	Ҳамма вилоятлар
7.	Чернослив Самарқандский	Ҳамма вилоятлар
8.	Ярхи	Тошкент
<b>ТОҒ ОЛЧА НАВЛАРИ</b>		
1.	Комета	Фарғона
2.	Красавица	Андижон, Наманган, Фарғона
3.	Курортная	Ҳамма вилоятлар
4.	Малиновая	Ҳамма вилоятлар
5.	Майсара	Ҳамма вилоятлар
6.	Мухтор	Тошкент
7.	Обильная	Хоразм
8.	Фиолетовая десертная	Ҳамма вилоятлар
9.	Ҳосилот	Тошкент
<b>ОЛЧА НАВЛАРИ</b>		
1.	Гриот остгеймский	Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм
2.	Любская 15	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм
3.	Подбельская	Ҳамма вилоятлар
4.	Самарқандская	Самарқанд
5.	Тургеневка	Самарқанд
6.	Шпанка чёрная	Ҳамма вилоятлар
<b>ГИЛОС НАВЛАРИ</b>		
1.	Валерий Чкалов	Ҳамма вилоятлар
2.	Восход	Тошкент
3.	Дрогана жёлтая	Ҳамма вилоятлар
4.	Кара гелес	Ҳамма вилоятлар
5.	Колхозная	Хоразм
6.	Клон Элтона	Ҳамма вилоятлар
7.	Космическая	Ҳамма вилоятлар

№	Навларнинг номи	Экишга тавсия этилган вилоятлар
8.	Ревершон	Ҳамма вилоятлар
9.	Самоцвет	Хоразм
<b>ШАФТОЛИ НАВЛАРИ</b>		
1.	Гартвис	Андижон, Наманган, Фарғона
2.	Гвардейский красавец	Андижон, Наманган, Фарғона
3.	Гульноз	Фарғона
4.	Джейсерланд	Наманган, Тошкент, Фарғона
5.	Джон Хэйл 28	Бухоро
6.	Инжирный новый	Хоразмдан бошқа ҳамма вилоятлар
7.	Истикбол	Фарғона
8.	Кардинал	Самарқанд, Тошкент
9.	Лола	Ҳамма вилоятлар
10.	Лючак ранний	Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона
11.	Малиновый	Тошкент вилоятидан бошқа ҳамма вилоятлар
12.	Мереттини жёлтый ранний	Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона
13.	Муяссар	Ҳамма вилоятлар
14.	Наргиз	Самарқанд, Тошкент вилояти
15.	Нектарин Ташкентский	Ҳамма вилоятлар
16.	Обильный	Тошкент вилоятидан бошқа ҳамма вилоятлар
17.	Подарок Узбекистана	Ҳамма вилоятлар
18.	Старт	Ҳамма вилоятлар
19.	Учкун	Андижон, Наманган, Фарғона
20.	Фарход	Ҳамма вилоятлар
21.	Шарқ	Ҳамма вилоятлар
22.	Ширин мағиз	Самарқанд, Тошкент вилояти
23.	Хилола	Фарғона
24.	Эльберта	Ҳамма вилоятлар
25.	Чимган	Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона
<b>ЎРИК НАВЛАРИ</b>		
1.	Ак Исфарақ 5	Фарғона
2.	Арзами	Ҳамма вилоятлар, Андижон ва Тошкент вилоятларидан ташқари
3.	Бобо Раджаби	Ҳамма вилоятлар
4.	Вымпел	Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона
5.	Гулистон	Наманган, Самарқанд, Хоразм
6.	Исфарақ	Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона
7.	Комсомолец	Андижон, Фарғона
8.	Курсодык	Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона
9.	Мароканд	Ҳамма вилоятлар
10.	Навруз	Самарқанд
11.	Руҳи Джуванон Миёна	Ҳамма вилоятлар
12.	Советский	Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд
13.	Субхони	Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент
14.	Хурмои	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган
15.	Юбилейный Навои	Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, сурхондарё, Тошкент, Фарғона
16.	Жубер Фулон	Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Ташкент, Фарғона

№	Навларнинг номи	Экишга тавсия этилган вилоятлар
<b>АНОР НАВЛАРИ</b>		
1.	Ачик-дона	Ҳамма вилоятлар
2.	Десертный	Ҳамма вилоятлар
3.	Казак-анар	Ҳамма вилоятлар
4.	Кзыл уллученный	Сурхондарё
<b>БОДОМ НАВЛАРИ</b>		
1.	Бумажноскорлупый	Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона
2.	Зарина	Ҳамма вилоятлар
3.	Малика	Ҳамма вилоятлар
4.	Первенец	Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона
5.	Туркменский светлый	Сурхондарё
6.	Угамский	Сурхондарё, Тошкент
7.	Ялтинский	Тошкент, Фарғона
<b>ЁНҒОҚ НАВЛАРИ</b>		
1.	Бостанлыкский	Ҳамма вилоятлар, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидан ташқари
2.	Идеал	Ҳамма вилоятлар, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидан ташқари
3.	Тонкоскорлупый	Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона
4.	Юбилейный	Ҳамма вилоятлар
<b>ҚУЛУПНАЙ НАВЛАРИ</b>		
1.	Зенга-Зенгана	Ҳамма вилоятлар
2.	Кульвер	Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Ферғана
3.	Муто	Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Ферғана
4.	Ташкентская	Ҳамма вилоятлар
5.	Узбекистанская	Ҳамма вилоятлар
6.	Ўзбекистон гўзали	Ҳамма вилоятлар
<b>ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИ</b>		
1.	Ирода	Ҳамма вилоятлар
2.	Плотномыся	Ҳамма вилоятлар
3.	Рухшона	Ҳамма вилоятлар
4.	Узбекистанская крупно-плодная	Ҳамма вилоятлар
5.	Сиюма	Ҳамма вилоятлар
<b>АНЖИР НАВЛАРИ</b>		
1.	Кадота	Ҳамма вилоятлар
2.	Крымский	Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент
3.	Узбекский желтый	Ҳамма вилоятлар
<b>ХУРМО НАВЛАРИ</b>		
1.	Вахш	Сурхондарё
2.	Зенджи-меру	Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё
3.	Таджикский	Сурхондарё
4.	Тамопон большой	Сурхондарё
5.	Хиакуме	Наманган, Сурхондарё

№	Навларнинг номи	Экишга тавсия этилган вилоятлар
<b>ЧИЛОН ЖИЙДА</b>		
1.	Та-ян-цзао	Ҳамма вилоятлар
2.	У-син-хун	Ҳамма вилоятлар
<b>ФУНДУК</b>		
1.	Далер	Ҳамма вилоятлар
2.	Ўзбекистон	Ҳамма вилоятлар
<b>ЛИМОН НАВИ</b>		
1.	Мейер	Ҳамма вилоятлар
<b>МАНДАРИН НАВИ</b>		
2.	Гамлин	Ҳамма вилоятлар
<b>АПЕЛЬСИН НАВИ</b>		
3.	Климинтин	Ҳамма вилоятлар
<b>УЗУМ НАВЛАРИ</b>		
1.	Алеатико	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм
2.	Андижанский черный	Андижон, Наманган ва Фарғона
3.	Баян-Ширей	Ҳамма вилоятлар
4.	Гузаль Кара	Ҳамма вилоятлар
5.	Джанджал кара	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент
6.	Зарафшон кишмиши	Ҳамма вилоятлар
7.	Катта Курган	Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё
8.	Қизил хурмони	Ҳамма вилоятлар
9.	Кишмиш Ботир	Ҳамма вилоятлар
10.	Кишмиш ВИРа	Қашқадарё
11.	Кишмиш розовый	Қашқадарё
12.	Кишмиш согдиана	Ҳамма вилоятлар
13.	Кишмиш Хишрау	Бухоро ва Навоий
14.	Қора кишмиш	Ҳамма вилоятлар
15.	Кульджинский	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм
16.	Магарачский	Бухоро
17.	Майский черный	Тошкент
18.	Морастель	Жиззах, Сирдарё ва Тошкент.
19.	Мускат Александрийский	Жиззах, Қашқадарё, сурхондарё, Тошкент ва Хоразм
20.	Мускат венгерский	Ҳамма вилоятлар
21.	Мускат Орзу	Ҳамма вилоятлар
22.	Мускат розовый	Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент
23.	Мускат Узбекистанский	Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Фарғона.
24.	Нилуфар	Ҳамма вилоятлар
25.	Нимранг	Ҳамма вилоятлар
26.	Оқ кишмиш	Ҳамма вилоятлар
27.	Октябрьский	Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент
28.	Олтиндай	Ҳамма вилоятлар
29.	Паркент	Ҳамма вилоятлар

<b>№</b>	<b>Навларнинг номи</b>	<b>Экишга тавсия этилган вилоятлар</b>
30.	Парлет	Ҳамма вилоятлар
31.	Рангдор	Ҳамма вилоятлар
32.	Ранний Шредера	Ҳамма вилоятлар
33.	Ризамат	Ҳамма вилоятлар
34.	Рислинг	Ҳамма вилоятлар
35.	Ркацители	Ҳамма вилоятлар
36.	Саперави	Ҳамма вилоятлар
37.	Сояки	Тошкент
38.	Султани	Бухоро, кашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент
39.	Сурхак китабский	Ҳамма вилоятлар
40.	Тайфи розовый	Ҳамма вилоятлар
41.	Тарнау	Самарқанд ва Тошкент
42.	Ташкентский	Бухоро
43.	Хиндогни	Жиззах, Сирдарё ва Тошкент
44.	Хусайне белый	Ҳамма вилоятлар
45.	Хусайне мускатный	Ҳамма вилоятлар

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	<b>3</b>
<b>1. УРУҒ МЕВАЛАР</b> .....	<b>4</b>
1.1. Олма навларининг таснифи .....	4
1.2. Нок навларининг таснифи .....	14
1.3. Беҳи навларининг таснифи .....	20
<b>2. ДАНАК МЕВАЛАР</b> .....	<b>23</b>
2.1. Олхўри навларининг таснифи .....	23
2.2. Тоғолча навларининг таснифи .....	25
2.3. Олча навларининг таснифи .....	29
2.4. Гилос навларининг таснифи .....	31
2.5. Шафтоли навларининг таснифи .....	33
2.6. Ўрик навларининг таснифи .....	42
<b>3. УЗУМ НАВЛАРИ</b> .....	<b>48</b>
3.1. Хўраки узум навларининг таснифи .....	48
3.2. Кишмишбоп узум навларининг таснифи .....	54
3.3. Шароббоп узум навларининг таснифи .....	57
<b>4. СУБТРОПИК МЕВАЛАР</b> .....	<b>64</b>
4.1. Анор навларининг таснифи .....	64
4.2. Хурмо навларининг таснифи .....	65
4.3. Анжир навларининг таснифи .....	67
<b>5. ЁНҒОҚ МЕВАЛАР</b> .....	<b>69</b>
5.1. Бодом навларининг таснифи .....	69
5.2. Ёнғоқ навларининг таснифи .....	70
5.3. Фундук навларининг таснифи .....	72
5.4. Чилон жийда навларининг таснифи .....	72
<b>6. РЕЗАВОР МЕВАЛАР</b> .....	<b>74</b>
6.1. Қулупнай навларининг таснифи .....	74
6.2. Олтинсимон қорағат навларининг таснифи .....	77
<b>7. ЦИТРУС МЕВАЛАР</b> .....	<b>80</b>
7.1. Лимон навининг таснифи .....	80
7.2. Апельсин навининг таснифи .....	80
7.3. Мандарин навининг таснифи .....	81
<i>Илова</i> .....	82